O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 15-sentabr • № 37 (3866)

НАВҚИРОН ЁШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида "Ўзбекистон Маданияти ва санъати Форуми" фонди томонидан ҳар икки йилда бир марта анъанавий тарзда ўтказиладиган "Навқирон Ўзбекистон — 2006" фестивали якунланди. Фестивалда мамлакатимизнинг 250 дан ортиқ иқтидорли ёш ижодкорлари рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, дизайн ва бошқа санъат турлари бўйича сара ижод намуналари билан иштирок этдилар.

Кўргазмада юртимизнинг сўлим манзаралари, бир-бирини такрорламаган, томошабинни ҳайратга соладиган композицияларни кўриш мароқли.

Ҳакамлар ҳайъати санъатнинг турли йўналишида яратилган асарларни ўрганиб чиқиб, ғолибларни аниқлади. Дебют номинацияси бўйича ёғочдан жуда чиройли ва бетакрор яратилган "Хумо қуши" ҳайкали муаллифи Жасвант Анназаровга, ўзига хослик ва замонавийлик йўналиши бўйича Саида Амирга "Либослар дизайн тўплами" учун, маданиятлараро мулоқот йўналишида Анастасия Никитинага "Илҳомланиш" рангтасвир асари учун, замонавий консептуал лойиҳалар бўйича Камолжон Бобоевга "Тошкент фаришталари" рангтасвир асари учун, сулолалар давомийлиги бўйича Фирдавс Юсуповга "Риштон кулолчилиги мактаби" учун, замонавий санъатда мактабни сақлаш давомийлиги бўйича Баҳром Рустамовга "Муҳаббат" рангтасвир асари учун, замонавий санъатда инновацион лойиҳалар бўйича Резида Ахмедшинага "Қўғирчоқлар театри" рангтасвир асари учун, санъатда анъанавий шаклларни сақлаш ва ривожлантириш бўйича Дилшод Эрматовга "Умр эшиги" рангтасвир асари учун мукофотлар берилди. Уларнинг барчаси Форум кубоги билан тақдирландилар. Фестивалда муносиб иштирок этган тўққиз нафар ёш ижодкорга Бадиий академия дирекциясининг диплом ва совғалари топширилди.





ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

Акс садо

КИТОБЛИ УЙ — ФАЙЗЛИ УЙ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" саҳифасида (2006 йил, 4 август) чоп этилган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Бўстон Раҳмонованинг "Китобнинг қадри" мақоласида кўпчиликни ўйлантириб келаётган, энг долзарб мавзу кўтарилган. Маълумки, кейинги йилларда китоб ўқиш ёшлар ўртасида жуда сусайиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири ота-она ва ўқитувчилар томонидан назорат йўқлиги ҳамда ўқув масканларида адабий-бадиий кечалар ўлда-жўлда ўтказилишидир.

Бошланғич синфда ўқиб юрган йилларимиз ўқитувчимиз Хуррам Шукуров бадиий китобдан ҳар куни бирор шеърий ёки насрий парчани ўқиб, ёдлаб келишни топширар ва эртаси куни ижрони қаттиқ талаб қиларди. Менда китобга ҳавас ўшандан бошлаб уйғонган десам муболаға бўлмас. Бугун ҳам вақтим бўлдими, китоб ўқийман. Шунинг учун ҳам ўрта мактабдан сўнг Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини имтиёзли тамомладим. Йиллар давомида тажрибамдан шуни биламдимки, мактаб ва олий ўқув юртида ёзма иншоларни аъло баҳога ёзишимда ўқиган китобларимнинг самараси кўп бўлди. Баҳоларим фақат аъло эди. Мақола эгасининг "Китобли уй – файзли" деган фикрига тўлиқ қўшиламан. Шу кунларда ҳам эски касбдошлар – Норқул Нормуродов, Бердимурод Ҳақбердиев, Шомурод Тоғаевлар билан хонадонларимизда ёки тўйтантаналарда йиғилганимизда дастлабки суҳбатимиз янги ўқиган китоблардан бошланади. Яқин орада ўқиб тугаллаган китоб қаҳрамонлари ва ёзувчининг маҳорати, тили ҳақида баҳслашамиз.

Китоб кишилар онгига нур таратувчи маёқдир. Китобни севган инсон ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди, холисона фикр юритади, тўғри маслаҳатлар беради. Мен кўп йиллар мактабларда ўқитувчи ва раҳбар бўлиб ишладим. Институтларнинг ўзбек тили ва адабиёти факултетини битириб келган баъзи педагогларнинг бир-икки шеърни ёд олиб, болалар олдида ўқиб беролмаганларини кўп кўрганман. Синфларда кутубхона ташкил этилса, болаларнинг китобга ҳавасини уйғотишда ёрдам беради. Ўқитувчи маълум соатлар ташкил этиб, ўқувчилар ўқиган бадиий китобларни кузатиб бориши, ўзаро қизиқарли баҳс-мунозаралар уюштириши керак. Менинг ёшим 72 да. Ҳадисларда "Бешикдан қабргача ўқи", — дейилган. Ана шу ҳикматга амал қилиб яшаяпман.

Биз ота-оналар ва мураббийлар ёшларимизда китобга меҳр, иштиёқ уйғотиш учун аввало ўзимиз китобга тўғри муносабатда бўлайлик, сўнгра фарзандларимиздан китоб ўқишни талаб этайлик. Зеро, китоб фарзандларимиз йўлини чароғон, кўнгилларини обод этувчи буюк мураббийдир.

Жўра ИМОМҚУЛОВ,
фахрий ўқитувчи

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05;
Faks: 133-34-26
www.uzpsb.uz **e-mail:** **info@uzpsb.uz**

Хизматлар лицензияланган

Рустам МАЪДИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти

ИЖОД — ИЗЛАНИШДИР

Бугун театримизда авлодлар алмашинуви жараёни давом этяпти. Ижодий гуруҳимизнинг қарийб ярми ёш актёрлар билан янгиланди. Бизнинг вазифамиз уларнинг ўз истеъдод ва ижодий имкониятларини, намоён этишлари учун шароит яратиб беришдан иборат. Айниқса, устоз санъаткорларнинг "Бу саҳна — сизларники" дея хайрихоҳлик билдириши анъаналаримиз давомийлигидан далолатдир.

Табиийки, режиссёр сифатида кекса ва ёш авлод муносабатларидаги узвий боғлиқликдан ижодий фойдалана олишим зарур. Ҳозир Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи асосида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов инсценировкаси билан "Отабек ва Кумуш" деб номланган икки пардали мусиқали драма устида ишлаяпмиз. Бу асар қўлимизга бир неча йил олдин тушган эди, лекин саҳналаштиришга журъат этолмагандик. Отабек ва Кумушнинг муҳаббат изтироблари илк маротаба мусиқий оҳанглар орқали саҳнага олиб чиқиляпти. Аслида изтироб неча хил либосда, кўринишда бўлишидан қатъий назар уни бир хил ном билан атаймиз.

Агар мен босиб ўтган йўлларимга назар ташласам, "Бобур соғинчи" спектаклидаги Бобур образи ижодий тақдиримга ўз муҳрини босган экан, дейишим мумкин. Бобур ҳис этган жудоликлар акс этган бу асар менинг ҳам изтиробим бўлиб қолди. Сиртдан қарасанг, Бобур чексиз ҳокимиятга эга шахс. Лекин бу куч-қудрат Ватан соғинчи олдида ўз қийматини йўқотган. Инсонлар тақдири устидан ҳукм юритаётган шоҳ ўз қисмати олдида ожиз. У ҳам бир инсон кечириши мумкин бўлган жудоликларни, айриликларни бошидан ўтказади. Демак, маҳрумиятлар, йўқотишлар эртанги яхши кунинг учун, ниманидир топишинг учун ташланган бир қадам экан. Улар аксинча сени уйғотади, узоқ уйқуга кетишингга йўл қўймайди.

Бир санъаткор сифатида театримизнинг истиқболини ҳамда ўзимнинг бахтимни шогирдларимнинг камолида кўраман. Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш бизнинг бурчимиздир. Юксак унвонга лойиқ деб топилганимни, ўтган кунлар бесамар кетмагани, ижодий меҳнатим эътироф этилгани белгиси, деб биламан. Бу зиммангдаги масъулият юки нақадар оғир эканлигидан далолат беради. Айни чоғда янги изланишларга ундайди.

Таниқли актёр ва режиссёр Рустам Маъдиев томошабинлар кўнглидан жой олганига кўп йиллар бўлди. У истиқлол йилларида режиссёр сифатида ўзининг ижодий имкониятларини ҳам намоён этди. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида Мустақимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри бош режиссёри Р.Маъдиевга Президентимиз Фармонига кўра Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. Севимли ижодкоримизни бу юксак унвони билан муштарийларимиз номидан самимий қутлаймиз.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги

"БУЮК АМИР ТЕМУР ТАРИХИ"

Амир Темур саройидаги испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ушбу асари ўзбек тилига нашр этилди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизни кўрган ва бевосита юзма-юз суҳбатида бўлиб, хотиралар битган Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун ва архиепископ Иоанн каби хорижлик олим ва элчилар орасида Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403 — 1406 йиллар" асари, айниқса, машҳур бўлиб, шу чоққача бу китоб жаҳоннинг ўндан ортиқ тилларига таржима қилинган. Мана, ниҳоят, биз ушбу нодир манбани тўғридан тўғри эски испан тилидан ўгирилган таржимаси билан ҳам танишишга муяссар бўлдик.

Шуни эътироф этиш керакки, бу машҳур "Кундалик"ни ўзбекчага ағдариш ҳаракати анча йиллар бурун бошланган эди. Марҳум адабиётшунос олим, профессор Очил Тоғаев рус тилидаги эътиборли манбалар асосида асарни ўзбек тилига таржима қилиб, уни "Санъат" журналининг 1980-йиллардаги ўн тўртта сонида бир ярим йил мобайнида тўлиқ эълон қилган эди. Академик Б.Аҳмедов мазкур таржиманинг асосий қисмини "Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида" китобига киритган. О.Тоғаев таржимаси яхлит ҳолда таниқли пулицист Михли Сафаров томонидан нашрга тайёрланган...

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факултетининг испан-инглиз тили бўлимида таҳсил олган (1996 — 2000) Улуғбек Жўраев ушбу нодир асарни асл манбадан таржима қилиш учун кўп изланишлар олиб борди. Мадрид шаҳрида фаолият олиб бораётган "Клавихо — Амир Темур ассоциацияси" раҳбари С. Моралес таклифига кўра Испанияда бўлиб, Клавихо босиб ўтган йўлларга доир экспедиция раҳбари Антонио Санчес ҳамда Испания жуғрофий уюшмаси раҳбарлари билан учрашди ва суҳбатлар олиб борди. Улуғбек Жўраев Клавихо кундаликларини ўзбек тилига ўгиришда 1582 йилда Арготе де Молина томонидан тайёрланган эски испан тилидаги нашрга, шунингдек, ушбу манба асосида профессор И. Срезневский томонидан 1881 йилда ўрта асрларга доир рус тилида чоп этилган ҳамда бу китобнинг 1971 йили Иван Дуйчев томонидан Лондонда қайта нашр этилган нусхаларига таянди.

"Зар қалам" нашриёти томонидан яқинда босмадан чиқарилган "Буюк Амир Темур тарихи" китобига сўзбоши ёзган юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов эътироф этганидек, "ушбу таржима наинки таржимонларнинг, айни чоғда, бу асарни муштарийга етказишдек савобли ишга ҳисса қўшган, қолаверса, ундан баҳра оладиган ҳар бир юртдошимизнинг шавкатли давлат арбоби Амир Темурни яна бир бор ёд этиш, Соҳибқирон ҳазратларининг миллатимиз ва юртимиз довруғини оламга ёйиш борасидаги улкан хизматлари учун буюк бобокалонимиз руҳи олдидаги маънавий қарздорлик бурчини адо этиш йўлида"ги эзгу қадамлардан биридир.

Муносабат

УЗУККА КЎЗ ЯРАШАДИ

...Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам...

Она юртимиз табиатининг шоир севиб куйлаган жаннатмонанд гўзалликларини шаҳар ва туманларимизда ҳам яратиш бугун миллий меъморчиликнинг янги йўналишига айланмоқда. Буюк аждодларимиздан мерос бўлган боғ меъморчилиги анъаналари мустақиллик йилларида янги мазмун ва моҳият касб этаётир. Пойтахтимизнинг бир қанча манзилларида, вилоят марказларида барпо этилган ландшафт архитектурасига хос гўзал боғ-хиёбонлар, истироҳат гўшалари эл кўзини қувонтирмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Сайилгоҳ, Боғи эрам, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи сингари кўпдан кўп обод хиёбонларни кўрганда ўзимизни цивилизация барқ уриб ривожланган улкан шаҳарда эмас, гўё она табиат қучоғидагидек ҳис этамиз. Танимиз яйраб, гўзалликдан баҳра оламиз. Шаҳарлар бағрида сўлим оромгоҳлар яратаётган бунёдкорларга таҳсин айтамиз. Чунки "ўхшаши йўқ бўстонимиз" — она юртимиз гўзалликлари — "ёқут пиёлага айланган қипқизил лола"лар, "булоқлардан сув узатувчи" шўх жилғалар — Ватаннинг бебаҳо бойлигидир.

Инсоннинг қўли гул. Агар у ҳур ва озод бўлса, кўнглида гўзаллик туйғуси барқ урса, бундай жаннатмонанд жойлар тимсолини истаган манзилида бунёд этиши мумкин. Ахир фавворалар отилиб, улкан ҳовузларда обиҳаёт мавж ураётган боғ ва хиёбонлар, яшнаб ётган майсазорлар, сўлим истироҳатгоҳлар гўзаллик яратишга қодир инсон ижодининг маҳсули эмасми. Гўзаллик — руҳ ва ақлга қувват бўлиш билан бирга фарзандларимизда ҳам нафис ҳиссиётларни камол топтирувчи улуғ неъматдир. Ўз уйинг, яшаётган маҳалланг, шаҳару қишлоғинг — она Ватанинг обод ва гўзал бўлганига не етсин!

Бу жиҳатдан мустақиллик йиллари юртимизга қанчалар ободлик бахш этгани ҳамманинг кўз ўнгидаги ҳақиқат. Йигирма йилча бурун бундай бунёдкорлик тимсолларини тасаввур эта олармидик? Мустақиллик майдони қиёфасига бир назар ташланг. Олий Мажлис Сенати, Бахтиёр она тимсоли акс этган ҳайкал, Эзгулик аркаси... фавворалар маржони. Энди майдон атрофидаги бир-биридан гўзал иморатларнинг меъморий қиёфасини айтинг. Амир Темур бобомизнинг муҳташам ҳайкали қад кўтариб турган хиёбондан то Мустақиллик ва Эзгулик монументигача бўлган шаҳар марказининг ягона меъморий ансамбл сифатида фавворалар отилиб турган, манзарали дарахтлар оройиш берган гулу гулзорга, гўзал хиёбонларга бурканганини айтмайсизми?

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ва унинг атрофи йил сайин гўзал хиёбонлару обиҳаёт мавж ураётган кўллар маржони, маҳобатли меъморий иншоотлар билан кўркамлашгани, пойтахтнинг барча туманлари, айниқса Эски шаҳарнинг янги қиёфа касб этгани, Бўзсув бўйида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлигининг бетакрор меъморий мажмуага айланганини фахрланмай айтиб бўладими?

Яқин-яқингача ҳам бундай ободончилик ва бунёдкорлик ҳақида гап борса, Тошкентнинг таниб бўлмас даражада гўзаллашганидан ҳайратимизни яширмасдик. Бугун фақат пойтахтгина эмас, мамлакатнинг барча шаҳарлари қиёфаси тамоман ўзгариб кетганини ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этишаётир. Аслини айтадиган бўлсак, яқин даврларга қадар ҳам қадимда яшаб ўтган улуғ аждодларимиз — соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, Абдуллахон сингари ҳукмдорлар даврида қурилган меъморий обидалар бугунгача яшаб келаётганидан фахрланиб, уларни хориждан келган меҳмонларга намойиш этиб келардик. Соҳибқирон бобомизнинг Самарқандда гўзал боғлар бунёд этгани, Бобур Мирзо эса ўз юртида яратиш буюрмаган шундай афсонавий боғларни ҳинд ва афғон диёрларида барпо этгани ҳақида мароқ билан ёзардигу, ўз замонамизда бирор арзигулик бино, ҳайрат уйғотадиган боғлар барпо этолмаганимизнинг рисоладагидек адо этилганидан қувонса, фикрини шундай ифода этади. Бордию бирор ишдан кўнгли тўлмаса ҳам, қош қўяман деб кўз чиқарманглар, деб қўяди. Бу нақлларни эслаганимиз боиси, пойтахт марказидаги Сайилгоҳ хиёбони кўп йиллардан бери ўз қиёфаси билан кўзимизни қувонтирмай келарди. Шаҳар аҳли ва меҳмонлар баҳра олсин деб барпо этилган ландшафт архитектурасига доир хиёбону фавворалар атрофи аввал вақтинчалик, сўнг эса турли доимий емакхоналарга тўлиб кетган, булар эса сўзсиз унинг қиёфасига ярашмай турарди.

Албатта, бирор жойни обод қилиш учун ҳам ҳиммат керак, харажат керак. Меъморларнинг ижодий режасини рўёбга чиқарувчи бунёдкор қўллар керак. Мамлакат пойтахтидан тортиб чекка туманларгача асл шарқона қиёфа касб этиб, обод ва гўзал бўлаётгани истиқлолимиз, ҳурриятимиз шарофатидир. Шундай экан, фидойи оталаримизнинг жонкуярлиги билан обод бўлиб бораётган юртимиз гўзалликларини, одамлар қалбига завқу қувонч бағишлайдиган, кўпчилик дам оладиган манзилгоҳларни асраш ва улар қиёфасига гард юқтирмаслик эзгу ишимиз бўлиши керак эмасми?!

Шу ўринда халқимизнинг яна бир мақолини эслаб ўтишга эҳтиёж туғилмоқда. Айрим тайёрга айёр кимсаларни халқимиз: "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир!" деб атайди. Улар кимнингдир бирор жойни куч ва маблағ сарфлаб обод қилишига кўз тикиб туришади. Қарабсизки, мана шундай обод жойларда ҳаш-паш дегунча ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқоринда турфа савдо шохобчалари — аввалига сув ва музқаймоқ сотувчи, кўп ўтмай дош қозонлар осилган, кабоб тутуни ва паловхонтўра ҳиди анқиб ётган, қамиш билан тўсилган биноийдек кафелар пайдо бўлади. Бошида хушхўр таом тайёрлаб хўрандаларни жалб этган емакхоналардан бир оз вақт ўтиб файз кета бошлайди. Сўнгра, фақат сархуш мижозлар ҳисобига киссасини қаппайтирадиган жойларга айланади. Ҳеч ким қиё боқмайдиган ҳолга келганда эса ўтган-кетганлар орасидан мижоз топгани ёш-ёш сулув қизлар чиқарилади. Улар кўчанинг ўртасида туриб олишиб, турли нозу карашма ила хўранда топмагунча тинчишмайди.

Бу манзара одамларнинг энсасини қотирибгина қолмай, гўзал жойларнинг файзига путур ҳам етказаётганини наҳотки шаҳар ва туманларнинг мутасаддилари англаб етишмайди? Одамлар дам олиши учун мўлжалланган боғ-хиёбонларнинг мусаффо обиҳаёт оқиб турган ариқчаларидан идиш-товоқ ювилган бадбўй мағзава оқаётганига эътиборсизликни қандай тушуниш керак?

Суриштириб билсангиз, шаҳар бюджети ҳисобидан обод қилинган боғ-хиёбонларга турли савдо шохобчасию кафе-ошхоналарнинг қуриб ташланишига аслида шу жойларнинг орасталиги учун масъул кишиларнинг ўзлари рухсат берган бўлиб чиқади. Гуллар очилиб, фавворлар осмонга ўрлаб ётган хиёбонлар, чорраҳалар остидаги ўтиш йўлаклари, турли обод бинолар атрофини мўмай даромад манбаига айлантириб олаётганларга "Ҳой, биродар, ҳаддингни бил", дейиш учун наҳотки бирор-бир раҳбарнинг танбеҳи зарур бўлса! Наҳот кимдир дакки бериб туришига шу қадар ўрганиб қолган бўлсак?!

Ахир инсон ҳамиша гўзалликка интилиб яшаши керак-ку!

Аслида ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор, меъёри бор. Боғ-хиёбонлар, ҳордиқ масканлари, кичик савдо тармоқларию таомхоналар ҳам ўз ўрнида бўлганига нима етсин. Бироқ мўмай даромад топишга устомонлар айнан аҳоли гавжум бўладиган, кимдир обод қилиб қўйган жойларга ўч бўлишини ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур.

Бугун номига ярашмаган баъзи шундай жойлар тартибга тушиб, сўлим боғ ва хиёбонларимиз аслидагидан ҳам гўзал қиёфа касб этаётир. Боғ-меъморчилиги услубида обод манзилларга айланаётган, одамлар ҳордиқ оладиган, гўзаллик туйғуси камол топадиган хушманзара гўшаларнинг асл қиёфасини сақлаш ва саришта тутиш ободонлаштириш идоралари раҳбарларининггина эмас, ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

НАСАФЛИК АЛЛОМАЛАР

Ҳурматли Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида сўзлаган нутқларидан бирида шундай деганди: "Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳрида ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир... Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига кўшган ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир". Бу ҳаётий кўрсатмалар вилоятда хайрли ишларга кучли туртки бўлди. Энг аввало, "Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш илмий маркази" ташкил этилди. Марказнинг фаолият доираси кенг қамровли. У вилоят шаҳар ва қишлоқларидан етишиб чиққан кўплаб алломалар, азиз авлиёлар ҳаёти ва меросини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш билан бирга, Қашқадарё ҳудудида сақланиб қолган тарихий обидалар, қадимий масжиду мадрасалар, работлар, мақбараларни ўрганиш, улар ҳақида аниқ маълумотларни тўплаб, кенг халқ оммасига етказишга алоҳида эътибор беради...

Биз ушбу мақолада Қашқа воҳасидан етишиб чиққан юзлаб алломалардан айримлари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Абул Аббос ал-Мустағфирий. X аср охири — XI асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган таниқли тарихчи, адиб, фақиҳ ва муҳаддис олим Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий 961 йили туғилиб, 1041 йили шу шаҳарда вафот этган. У дастлабки билимни она шаҳри Насафда олиб, сўнгра илмини ошириш мақсадида узоқ йиллар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларида кўп таниқли олимлардан сабоқ олган. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ал-Мустағфирий ўз даврининг машҳур фиқҳ олими, муҳаддиси, муаррихи ва филологи сифатида шуҳрат қозонган. У жуда кўп ҳадисларни тўплаган ва уларни ёд билган. Олим ҳақида маълумот берган тарихнависларнинг аксарияти ал-Мустағфирийни "соҳиб ат-тасониф ал-касира" ("кўпдан-кўп асарларнинг муаллифи") деб алоҳида таъкидлаган бўлсаларда, биз ҳозирча аллома қаламига мансуб ўнга яқин асарни номма-ном аниқлашга муяссар бўлдик, холос. Унинг муҳим асарларидан бири "Тарихи Насаф вал-Кашш"—"Насаф ва Кеш тарихи"дир. Икки йирик жилддан иборат бўлган бу тарихий асар ўрта асрларда Насаф, Кеш ва Мовароуннаҳр минтақасида яшаб, фаолият кўрсатган кўплаб олимларга бағишланган.

Бу китоб ал-Мустағфирийдан бир аср кейин яшаган насафлик йирик олим Нажмиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг (1068 — 1142) "Китоб алқанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб") номли машҳур асари учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Абу Саъад Абдул Карим ас-Самъоний (1113 — 1167) ҳам "Ал-Ансоб" номли улкан асарида келтирилган элликка яқин мовароуннаҳрлик олимнинг таржимаи ҳоллларини бевосита ал-Мустағфирийнинг мазкур асаридан олган. Олимнинг қимматли асарларидан яна бири "Тарихи Самарқанд" бўлиб, минг афсуски, бу асар ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Алломанинг "Китоб фазоил ал-Қуръон" ("Қуръоннинг фазилатлари ҳақида китоб") асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар ушбу мавзуга таллуқли дастлабки асарлардан бири сифатида ҳам ғоятда қадрланади. Унинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ҳаёт йўллари ва кўрсатган мўъжизаларига бағишланган "Далоил ан-нубуввати" ("Пайғамбарлик аломатлари"), "Китоб ал-хутаб ан-набавия" ("Пайғамбарнинг хутбалари ҳақида китоб"), "Китоб ад-даъвот" ("Даъватлар китоби"), "Китоб аш-шамоил" ("Пайғамбарнинг шакл-шамоиллари ҳақида китоб") каби асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, манбаларда ал-Мустағфирий қаламига мансуб асарлардан "Китоб маърифат ас-саҳоба" ("Саҳобаларни билиш ҳақидаги китоб") ва соф адабиётшуносликка оид бўлган "Китоб аш-шеър ваш-шуаро" ("Шеър ва шоирлар ҳақида китоб") каби асарлари ҳам зикр қилинади.

Абул Ҳарас ал-Варсиний. X асрда Насафда самарали фаолият кўрсатган йирик тарихчи ва муҳаддис Абул Ҳарас ал-Варсинийнинг тўлиқ исми Абул Ҳарас Асад ибн Ҳамдувайҳ ал-Варсиний ан-Насафий бўлиб, у ҳижрий 315 — мелодий 927 йили вафот этган. Насаф вилоятига қарашли Варсин қишлоғидан илм-фаннинг турли соҳалари бўйича бир қанча олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар келтирилади. Абул Ҳарас ал-Варсиний улардан энг таниқлиси бўлиб, Насаф ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида унинг кўпдан-кўп шогирдлари фаолият кўрсатганлар. Ал-Варсиний қаламига мансуб асарлардан тўрттаси ҳақида зикр этилган бўлиб улардан энг муҳими, шубҳасиз, "Китаб муфахарат аҳл Насаф ва Кашш" (Насаф ва Кеш аҳлидан энг фахрли(олим)лар ҳақида китоб) ҳисобланади.

Тарихчи ас-Самъоний ўзининг "Ал-Ансоб" номли йирик асарини ёзишда ал-Варсинийнинг ушбу асаридан ҳам кенг кўламда фойдаланган ва ундан катта-катта парчалар келтирган. Абул Ҳарас ал-Варсинийнинг бошқа асарларидан филология масалаларига бағишланган "Китоб ан-нассоб" (Нисбаларни ўрганувчи олимлар ҳақида китоб), "Китоб ал-ажоиб ва ахбор ал Ҳасан вал-Ҳусайн" (Ҳасан ва Ҳусайн ҳақидаги хабарлар ва ажоиботлар китоби) кабиларни кўрсатиш мумкин.

Абдулҳамид ал Кашшийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ал-Кашший бўлиб, у Қуръони каримнинг йирик муфассири, таниқли ҳадисшунос, филолог, ҳанафийда мазҳаби бўйича беназир фақиҳ сифатида шуҳрат қозонган. Унинг таваллуд санаси ҳозирча номаълум, вафоти ҳижрий 249 (мелодий 863) йилга тўғри келади. У фиқҳшунослик соҳасида ўз мактабини яратган олим сифатида танилиш билан бирга, ҳадис илмида олтин давр ҳисобланган IX асрда самарали фаолият кўрсатган улуғ муҳаддислардан бири саналади. Мавриди келганда айтиш керакки, юртимизнинг кўп шаҳарлари каби, Насафда йирик ҳадисшунослик маркази бўлиб, шаҳарда кўплаб муҳаддислар ижод қилганлар.

Ас-Самъонийнинг ёзишича, Имом ал-Бухорий бир қанча муддат Насаф шаҳридаги Байон маҳалласида яшаб, шу жойдаги жомеъ масжидга қатнаб, беш вақт намозини бажо келтирган ва ўз илмий фаолиятини давом эттирган. Айнан шу Насафда яшаган пайтида буюк муҳаддиснинг илмий ишларига ёрдам берган Офурон қишлоқлик ёш ҳадисшунос Жибрийл ибн Авн ал-Офуроний бўлганлиги ҳам эътиборга моликдир. Нима бўлганда ҳам Имом ал-Бухорийдек буюк муҳаддиснинг Насаф ва Кешга келганлиги ўша даврда бу шаҳарларда ҳадис илми нақадар юксак поғоналарга кўтарилганлигидан далолатдир.

Ўз даврининг йирик олими даражасига етишган Абдулҳамид ал-Кашшийнинг шогирдлари кўп бўлиб, исломий илмларнинг турли масалаларига оид етти асар ёзганлиги ҳақида манбаларда зикр қилинади. Мана шу асарлардан энг муҳими пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига бағишланган "Муснад ал-имом" номли асарини кўрсатиш мумкин. Келажакда олиб бориладиган илмий изланишлар кешлик бу улуғ алломанинг барча асарлари билан танишиш имкониятини беради, деб ўйлаймиз.

Абул Ҳасан ал-Паздавийнинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Ийсо ибн Мужоҳид ал-Паздавий бўлиб, у ҳижрий 400 (мелодий 1010) йили Қашқадарё вилоятининг Касби тумани ҳудудидаги Пазда (Кўҳна Фазли) қўрғонида таваллуд топган. Ўз даврида, Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби, Насаф ва Паздани ҳам зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1178 — 1229) ўзининг "Муъжам ал-булдон" (Мамлакатлар қомуси) номли йирик асарида "Пазда Насафдан олти фарсах узоқликдаги мустаҳкам бир қалъа (қўрғон) бўлиб, ундан етишиб чиққан алломаларнинг бири Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Паздавийдир", деб ёзган. Афсуски, унинг ёшлик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. У фиқҳ соҳасидаги дастлабки билимни ўз отасидан олган, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган йирик шаҳарлардан бири Насафда ўз билимини оширган. Ҳар ҳолда, у ёшлигидан юқори илмий-маънавий муҳитда улғайиб, ўз замонасининг машҳур олимларидан бири сифатида танилган, айниқса, фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослигининг барча масалалари бўйича ўз даврининг имоми деган юксак номга муяссар бўлган. Таниқли араб тарихчиси Шамсуддин аз-Заҳабий (1274 — 1347) ўзининг "Сийар аълом аннубало" (Олийжаноб алломалар сийратлари) номли қимматли асарида "Абул Ҳасан ал-Паздавий Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабида ўз тариқатига эга бўлган аллома", деб ёзган бўлса, тарихчи Абу Саъад ас-Самъоний "Абул Ҳасан ал-Паздавий ҳанафийда мазҳабининг Мовароуннаҳрдаги шайхи бўлган", деб таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам аллома юртимизда амал қилинган ҳанафийда мазҳабини мукаммал ва беғубор ҳолда муҳофаза этиш борасидаги беқиёс хизматлари туфайли барчанинг алоҳида ҳурматини қозониб, ҳатто "Фахр ул-ислом" (Исломнинг фахри) деган ўта шарафли лақабга ҳам сазовор бўлган. У узоқ йиллар Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилган. Сўнгра Кеш (Шаҳрисабз)да яшаган ва 1089 йили вафот этган. Баъзи манбаларда ёзилишича, вафотидан кейин жасади Самарқандга келтирилиб, дафн қилинган.

Абул Ҳасан ал-Паздавий қаламига мансуб асарлар исломий илмларнинг турли соҳаларига бағишланган бўлса-да, унинг меросида фиқҳий асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, ҳанафийда мазҳабининг турли масалаларига оид ўн бир жилдлик "Ал-Мабсут", шу мазҳаб асосчиси имом Абу Ҳанифанинг "Ал-Фиқҳ ал-акбар" номли асарига ёзган шарҳи, Қуръони карим тафсирига бағишланган "Кашф ал-асрор" номли 120 қисмлик асари, бу тафсирнинг ҳар бир қисми улкан китобдан иборат бўлган, "Шарҳ ал-жомиъ ал-кабир ли-Шайбоний", "Шарҳ ал-жомиъ ас-сағир ли-Шайбоний", буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" асарига ёзган шарҳи, "Сийрат ал-мазҳаб фи сифат ал-адаб", "Рисола фи қироат ал-мусаллий", "Китоб ал-муяссар фи ал-калом", "Заллат ал-қорий", "Усул ал-Паздавий", "Ал-Амолий" кабиларни кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, Фахр ал-Ислом ал-Паздавийнинг илмий маънавий меросида "Усул ал-Паздавий" асари алоҳида ўрин эгаллаб, у тўлиғича "Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул" номи билан аталади. Асарда фиқҳий масалалар батафсил ҳолатда шарҳланганлиги боис ўз даврида бу асар жуда кўпчилик фақиҳлар томонидан бир дастурий қўлланма сифатида юксак баҳоланган. Ал-Паздавийдан кейин фаолият кўрсатган кўп олимлар унга таяниб асарлар ҳам яратганлар. Шарҳлардан, шубҳасиз, Алоуддин ал-Бухорийнинг "Кашф ул-асрор" номли шарҳи энг қимматлиси ҳисобланади. Шу боис ҳам мазкур шарҳ кейинги йиллари Байрутда тўрт йирик жилдда икки марта (1994, 1997) нашр этилди. Муҳим манба сифатида ал-Паздавий асарининг қўлёзмалари ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланади. Олмон шарқшуноси Карл Броккелман "Канз ул-вусул"нинг қўлёзма нусхалари Берлин, Лондон, Париж, Деҳли, Санкт-Петербург, Пешовар, Қоҳира, Тунис, Истанбул каби шаҳарларда сақланиши ҳақида маълумотлар келтиради.



Қарши — 2700

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг тўлиқ исми Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий бўлиб, Насафдан чиққан кўплаб олимларнинг энг машҳурларидан биридир. Баъзи манбаларда Насафнинг қадимий номи Нахшабга нисбат берилиб, уни ан-Нахшабий деб ҳам келтирилади. У 1068 йили туғилиб, 1142 йили Самарқандда вафот этган. Ўз замонасининг қомусий алломаси сифатида танилган Абу Ҳафс ан-Насафий тафсир, фиқҳ, ҳадис, калом, тарих, адабиёт ва наҳв илмлари бўйича юзга яқин асарлар яратган. У аввал Насафда, сўнгра Самарқандда кўплаб илм толибларига дарс ҳам берган. Унинг шогирдлари жумласидан буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийни кўрсатиш мумкин. Манбаларда хорижий юртлардан келиб, ундан сабоқ олган олимлар ҳақида ҳам маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, мағриблик Абу Ҳорун Мусо ибн Абдуллоҳ ат-Қаҳтоний деган олим бир қанча муддат Насафда унинг уйида яшаб, олимнинг маърузаларини тинглаган. Устоз ва шогирд ўртасида самимий дўстона муносабат қарор топиб, ҳатто ан-Насафий узоқ Африкадан келган меҳмонига бағишлаб "Ужалат ан-Нахшабий ли-зайфиҳи ал-Мағрибий" (Ан-Нахшабийнинг мағриблик меҳмони учун шошилинч ёзган китоби) номли асар ҳам битган. Ҳозирги маълумотларга кўра, ан-Насафийнинг илмий-маънавий меросидан ўндан ортиқ асари бизгача етиб келган бўлиб, улардан ҳадисларга бағишланган "Ал-Жомиъ ас-сағийр", "Татвил ал-асфор ли таҳсийл ал-ахбор", фиқҳий-ақидавий масалаларга оид "Ал-Ақоид", "Қайд ал-авобид", "Тилбат ат-талаба", "Матлаъ аннужум ва мажмаъ ал-улум", "Таъдод аш-шуйух ли-Умар" (Умар ан-Насафий устозларининг умумий сони) кабиларни кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, ан-Насафийнинг асарлари ичида Мовароуннаҳр минтақасидан етишиб чиқиб, илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали фаолият кўрсатган мингдан ортиқ олиму уламо ва фозилу донишмандлар ҳақида қимматли маълумотларни ўзида мужассам қилган "Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб") номли асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу қимматли манба кейинги йиллари республикамиз олимлари томонидан ўрганилиб, асарнинг айрим қисмлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг қаламига мансуб "Ан-Нажоҳ фи шарҳи ахбор китоб ас-сиҳоҳ" номли шарҳ ҳадис илминнинг султони Имом ал-Бухорийнинг машҳур "ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" асарига битилган энг қимматли шарҳлардан бири сифатида эътиборга моликдир.

Абул Муъийн ан-Насафий номи билан бутун дунёга машҳур бўлган буюк мутакаллим 1027 йили Насафда туғилиб, 1114 йили вафот этган. Унинг қабри ҳозирги Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида. Абул Муъийн ан-Насафий буюк аллома Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган ҳанафий калом мактабининг энг йирик намояндаси сифатида шуҳрат қозонган. Унинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бешга яқин бўлса-да, афсуски, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Алломанинг мавжуд асарларига таяниб айтиш керакки, у ўз илмий-ижодий фаолияти даврида, айниқса, калом илмига алоҳида эътибор берган.

Абул Баракот ан-Насафий. Унинг тўлиқ исми шарифи Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Баракот ан-Насафий бўлиб, у ўз даврининг беназир фақиҳи, усул ва ҳадис илмларида етук олим, Қуръони каримга қимматли тафсир битган буюк мufассир сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олган. Ислом динининг софлиги йўлида қилган беқиёс хизматлари туфайли Абул Баракотни "Ҳофизуддин" (Динни ҳимоя қилувчи) деган ғоятда юксак лақаб билан атаганлар. Абул Баракотнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берилган ёзма манбаларда, афсуски, унинг таваллуд йили ҳақида аниқ бир сана кўрсатилмаган. Шу билан бирга, баъзи замонавий асарларда, жумладан, олим Муҳаммад Шафиқ Ғирболнинг қаламига мансуб "ал-Мавсуъат ал-арабия ал-муяссара" номли қомусий тарздаги асарда олимнинг туғилган йили милодий 1232 сана деб кўрсатилган. Аммо Абул Баракотнинг вафот этган санаси ҳақида деярли барча манбаларда ҳижрий 710 (милодий 1310) йили унинг ёши улғайганига қарамасдан илмий мақсадларда Бағдодга келгани ва тез орада соғлиғи ёмонлашиб, шу шаҳарда вафот этгани ҳамда Ҳузистон ва Исфаҳон ўртасидаги Ийзаж деган шаҳарчада дафн этилгани зикр қилинган.

Абул Баракот ан-Насафийнинг фиқҳий ва эътиқодий тутган йўли ҳақида гапирсак, у фиқҳ масалаларида ўз устози Шамс ул-аимма ал-Кардарий йўлини тутиб, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа таълимотини собитқадамлик билан давом эттиради. Бу борада фиқҳ масалаларига бағишланган асарлари, хусусан, ҳанафий мазҳаби фиқҳини акс эттирган "Канз уддақоиқ" (Нозик масалалар хазинаси) асари ёрқин мисол бўла олади. Бу бебаҳо асар фиқҳ, яъни ислом қонуншунослиги асосларини ҳамда мусулмон оламининг кўп минтақаларида кенг тарқалган ҳанафия ва шофиъия мазҳабларининг ўзига хос жиҳатларини теран шарҳлайдиган муҳим манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Фиқҳий масалаларга доир қимматли манба сифатида араб тилида битилган бу асар кейинчалик Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Кирмоний томонидан форс тилига, Аҳлуллоҳ ибн шайх Абдураҳим томонидан урду тилига таржима қилинган. Асарга ўндан ортиқ шарҳлар ҳам битилган. "Канз уд-дақоиқ" ва унга ёзилган шарҳларнинг бир қанча қўлёзма нусхалари Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади.

Абул Баракот ан-Насафий қаламига мансуб яна бир мўътабар асар ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг Қуръони каримга бағишланган "Мадорик ут-танзил ва ҳақоиқ ут-таъвил" ("Қуръон идроки ва таъвил ҳақиқати") номли тафсирини айтиш керак. Муаллифнинг "Мадорик"да баён қилган фикр-мулоҳазалари ҳам унинг илмий-маънавий меросида ҳанафия мазҳаби қанчалик юксак ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Алломанинг эътиқодий, яъни ақидавий масалалардаги қарашлари унинг буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий (870 — 944) тутган ақидавий йўлга қатъий амал қилганлигини кўрсатади. Бинобарин, Абул Баракот ан-Насафий фиқҳий масалаларда Имом Аъзам Абу Ҳанифа, эътиқодий (ақидавий) масалаларда эса, Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотларига амал қилиб, уларнинг янада ривожланишига ўз салмоқли ҳиссасини қўшган буюк алломадир.

Бу тафсирнинг бир қанча қўлёзма нусхалари турли шаҳарларда сақланади. Асар охирги марта 1999 йили Байрутда "Дор ибн Касир" матбаасида уч жилдлик тарзида нашр этилган. Бу нашрни амалга оширган араб олимлари Юсуф Али Бадявий ва Муҳийиддин Диб Мастунинг ёзишларича, Абул Баракот ан-Насафий ушбу тафсири ёзишда хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарийнинг "ал-Кашшоф" номли машҳур тафсиридан ҳам унумли фойдаланган. У аз-Замахшарийнинг муътазилийликка хос қарашларини четлаган ҳолда, унинг илмий, айниқса, балоғат илмига оид жиҳатларидан самарали фойдаланган.

Абул Баракот ан-Насафий қаламига мансуб асарлардан "Манор ул-анвор", "Кашф ул-асрор", "Ал-Эътимод фил-эътиқод", "Уъмдат ул-ақоид", "Ал-Вофий фил-фуруъ" ва бу асарга бағишланган шарҳи "Ал-Кофий", "Ал-Мусфа шарҳ ал-манзума ан-Насафия", "Ал-Мустасфа шарҳ ал-фиқҳ ан-нофиъ" кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу асарларнинг ва уларга ёзилган шарҳларнинг аксариятининг қўлёзма нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Абул Баракот ан-Насафий ўз замонасининг машҳур алломаси сифатида эътироф этилиб, унинг бой ва қимматли илмий-маънавий мероси бутун Мағрибу Машрикда кенг тарқалган. Алломанинг беназир илмий иқтидори ва салоҳиятини тан олган кўпгина таниқли олимлар унга юксак баҳо берганлар. Жумладан, "Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожум ал-ҳанафия" номли қимматли асарнинг муаллифи таниқли олим Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий: "Абул Баракот ан-Насафий ўз даврининг беназир алломаси сифатида фиқҳ ва усул илмларида ғоят сарбаланд, ҳадис ва унинг маъноларини тушунишда барчадан устун бўлган", деб ёзган бўлса, XV асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган машҳур араб тарихчиси Ибн Ҳажар ал-Асқалоний уни "Алломаи ад-дунё" (Бутун дунёнинг алломаси) деган ғоятда фахрли лақаб билан улуғлаган.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори

Толеимга битган Қашқадарёсан.
Абдулла ОРИПОВ

ҚАШҚАДАРЁСАН

...Бир чеккаси чўлдир ҳарсиллаб ётган,
Бир чеккаси қорлар тизгача ботган.
Бир чеккаси тоғлар — кўкни кўтариб,
Булоқлари бориб, тонгни уйғотган,
Бағрида жаннатлар битган саҳросан —
Қашқадарёсан...

Ҳисор тизмалари — Нуҳнинг кемаси,
Ўшал тўфонни ҳам тўсган чамаси,
Бир улкан денгизнинг харсангларида
Улкан динозавр изи, панжаси...
Одам Ато кўрган кўҳна дунёсан —
Қашқадарёсан...

Мўғуллар босқини ўтганда жондан,
Озодлик шамшири тушди осмондан.
Нимани йўқотди рақиблар, билмам,
Дунё дунё топди Соҳибқирондан.
Темурдан табаррук — қутлуғ туғросан —
Қашқадарёсан...

Бир қутлуғ маскандир Ҳазрат Баширим,
Пирлар нафасидай ҳавоси ширин,
Улуғбек илмининг хазинасини
Шу тоғлар бағрида сақлар яширин.
Али Қушчи излаб келган самосан —
Қашқадарёсан...

Дунёда беш сирли нуқта бор, бироқ,
Китоб кенгликлари яна сирлироқ.
Осмон дарвозасин очиб, юлдузлар
Келажак китобин ўқийди порлоқ.
Олий руҳлар юриб тушган ҳавосан —
Қашқадарёсан...

Темур авлодидан чиқариб бир зот,
Ўзга элларни ҳам қилсин деб обод,
Ҳинд сори саргардон этганда тақдир,
Ортидан эргашиб кетган умрбод,
Бобурга суянчиқ бўлган ошносан —
Қашқадарёсан...

Самарқанд азмида тик довон оша,
Навоий ишқ дардин этганда паша,
Шаҳри Кешнинг мовий гумбазларидан,
Руҳлар оламини қилса томоша,
Бир коса сув тутган малаксиймосан —
Қашқадарёсан...

Куйчинг бор — сўз айтса Ватан дардидан,
Шаҳидлар тирилиб келар қабридан,
Не ажаб, агар юз шоир яралса
Абдулла Орифнинг ҳар бир сатридан!
Навоий байтидек ўтли навосан —
Қашқадарёсан...

Ҳақ яқинроқ келса қулин қошига,
Яхши инсон битар элнинг бошига.
Эй, ишнинг кўзини билган деҳқоним,
Дуо қил шу юртнинг тоғу тошига!
Нуринг борки, нурли йўлга пешвосан —
Қашқадарёсан...

Сенким, бир кафт тупроқ бобом ҳокидан,
Бир қатим шуъласан юрак чокидан.
Шу қадим заминни Куёшга тутсам,
Ер деб тушиб келган фалак тоқидан.
Бир содда, бир танти, меҳридарёсан —
Қашқадарёсан...

Арслон босади арслон изини,
Бу эл ҳеч кимсага бермас измини,
Темур тупроғида тахтга минган зот
Қўлида бир буюк КАРВОН тизгини...
Юртнинг эгасини берган маъвосан —
Қашқадарёсан...

Сен ялпизгулимсан, болалик сирим,
Ҳали ёзилмаган энг гўзал шеърим.
Ағёр тузоқ қўйса, ҳаддини билмай,
Мени қўллаб тургин, эй она ерим!
Қайда бўлмай сен ҳам битта Зебосан,
Қашқадарёсан...

Зебо МИРЗО

ЭЗГУ СЎЗ ДИЛГА СИНГАР

Илм — ўзни билмакдир

Жадаллик билан ўзгариб бораётган давримизни, турмуш тарзимизни, инсонларнинг кечинмаларини тафаккурсиз тасаввур қилиш мушкул. Инсон нимани яратмасин — моддий неъматлар, автоматика ва телемеханикага асосланган завод ва фабрикалар, турли транспорт ва алоқа воситалари, гуллаб-яшнаётган катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар, осмонўпар иншоотлар ва боғу бўстонларнинг барпо бўлишида тараққий этган фан ва техниканинг ҳиссаси беқиёс. Илмий тафаккур кишининг билим даражасини кенгайтириб, табиатнинг янгидан-янги сирларини кашф этишга, чексиз коинотни забт қилишга, борлиқнинг энг майда заррачаларигача ўрганишга, тараққиёт қонунларини кашф этиб, ижтимоий воқеаларини чуқур таҳлил қилиш ва келажакни олдиндан кўра билишга имкон беради.

Ўрта асрларда диний таълимотни, Қуръон ва ҳадисларни билиш ҳам илм ҳисобланган. Дунёвий билимларни ҳам баъзилар Аллоҳни қалбга жо қилиш, унинг сифатларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш воситаси деб билганлар. Айрим илоҳиётчилар Аллоҳ таълимотини ҳақиқий илм сифатида тан олганлар.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари илм-фанни юксак даражага кўтариб, унинг инсон учун энг муҳим омил эканлигини ҳатто диний руҳдаги асарларида ҳам қайд қилганлар. Туркий адабиётнинг бизга маълум бўлган илк намуналаридан машҳур "Ҳибат ул-Ҳақойиқ" асарининг муаллифи Аҳмад Югнакийнинг таъсирли элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга интилиб, илмий билимларни ўрганишга чорлайди. Буни, дастлабки, достондаги бобларнинг сарлавҳасидан ҳам англаш мумкин. Масалан, ундаги биринчи боб (аннавъул-аввал) — "Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида" деб аталган. Маълумки, Қуръонда илк нозил бўлган оятлар "Иқра", яъни "Ўқи!" деб бошланади. Илмга ташвиқ этиш ислом маънавиятининг энг муҳим асосларидан бири эканлиги мазкур асарларда ўз ифодасини топган. Достон матнида Муҳаммад пайғамбарнинг "Илм Чин элида бўлса ҳам ўрганинг" деган ҳадислари араб тилида келтирилган ва ушбу ғоя туркий тўртликлар шаклида шарҳланган. Муаллифнинг таърифича, "Саодат йўли билим билан билинади. Билим эгаси вафот этганда ҳам унинг номи боқий қолади, аммо билимсиз кишини тиригида ҳам ўликдан фарқи йўқ", деб хулоса қилади у. Шоир билим эгаси бўлган аёлни эрлар қаторида кўради, билимсиз эркакни эса аёлдан ҳам заиф билади.

Алишер Навоий асарларида мазкур достондан ёрқин мисол келтирилади:

Сўнгакка иликтур, эранга билик,
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгак.

Аҳмад Югнакий билимсизликни қоралаб, Расулуллоҳ ҳадисларидан: "Тангри ҳеч қачон жоҳилларни азиз қилган эмас", деган фикрни келтириб, илм қадрига фақат маърифатли одам етади, нодонга эса насиҳат бефойдадир, дейди. Унинг таърифича, билим туганмас бойликдир, у фақир кишини бой этади... Илмни юксак баҳолаган, XI-XII асрларда туркий тилда ижод этган Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ва кейинги ислом оламининг буюк алломаларига Аҳмад Югнакийнинг таъсири кучли бўлган.

Айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур "Қутадғу билик" ("Бахтга элтувчи билим") номли асарининг бош қаҳрамони Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билим образларининг яратилиши диққатга сазовор. Ислом маъанавиятининг бош тимсоллари Ақл ва Билимни муаллиф эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган энг асосий омил деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи, киши қўлида доимо турмайди, Ақл ва Билим эса уларнинг ўрнини боса олади.

Илк ўрта аср маданиятининг буюк намояндаларидан Маҳмуд Кошғарий асарларида ҳам илм ўрганиш ташвиқ этилади, жаҳолат, кабру ҳаво қоралаланади, саховат ва ҳиммат, инсонпарварлик ва билимдонлик, илм аҳлига ҳурмат, мардлик ва ҳушёрлик улуғланади. Унинг машҳур "Девон"ида инсонни илм-ҳунарга чорлайдиган сатрлар мавжуд:

Олим киши сўзидан олгин ўгит,
Эзгу сўзни эшитсанг дилга сингар.
Илм-ҳикмат ўргангин, бўлма қайсар,
Ҳиммати йўқ мақтанчоқ йўл йўқотар.

Улуғ ва доно мутафаккир Фаробий фалсафий таълимотининг моҳияти илмий ғоялар ила йўғрилганлиги билан қимматлидир. Унинг асарларида, айниқса, "Илм ва санъатнинг фазилатлари" рисоласида илм ва ақл ҳақидаги таълимот анча изчил ва мукаммал тадқиқ этилган. Мазкур фикрлар унинг инсон ҳақидаги таълимотлари учун хизмат қилади ва унга бўйсундирилади.

Донишманд Носир Хисрав таърифича, илму ақл одамни ҳақиқий инсон рутбасига эриштирса, нодонлик эса одамийлик қиёфасидан узоқлаштиради. Унинг "илм" тушунчаси фақат диний ақидалар билан чекланиб қолмай, балки дунёвий билимларни ҳам ўз ичига олади. Носир Хисравнинг фикрича: "Кишилар орасида ақллилари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у тугал лаззатга эришади. Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ", — деб ёзади у "Зод ул-мусофирин" (Сафар қилувчилар йўл анжоми) номли китобида.

Табиат ва жамиятни эркин равишда тадқиқ қилишдаги ютуқлар муросасиз курашлар натижасида қўлга киритилган эди. Фаннинг объектив борлиқни тўғри ўрганувчи ва ижтимоий тараққиётга ёрдам берувчи билимлар тизими сифатида танилиши учун ниҳоятда узоқ вақт керак бўлди.

Албатта, XXI асрдаги кишилик жамиятини ўтган даврлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Замонамиз ниҳоятда мураккаб ва хилма-хил сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларга бой. Йирик ижтимоий янгиликлар ва ҳозирги илмий-техника инқилобининг таъсири остида неча юз миллионлаб кишиларнинг турмуш тарзи, онги тубдан ўзгарди.

Замонавий илм-фан ва маърифатнинг энг ажойиб хислатларидан бири унинг инсонпарварлигидир. Масалан, биз мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, янги жамият бунёд қилишга киришдик, республикамиз демократик ҳуқуқий давлат яратиш йўлидан бормоқда. Президентимиз аниқ кўрсатиб берганидек, ҳозирги даврда "мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга". Чунки илм-фан ва техника Ватанимизнинг миллий давлатчили

Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Таниқли қорақалпоқ шоири Улмамбет Хўжаназаровнинг халқона оҳангларга бой шеърий туркумлари ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Унинг "Аккалакам-дуккалакам", "Армон", "Кўнгил туйғулари", "Йилларим менинг", "Аму оҳанглари" шеърий тўпламлари, "Дилкаш суҳбатлар" достони шеърият мухлисларининг севимли китобларига айланган.

Улмамбет Хўжаназаров яқинда "Қорақалпоғистон халқ шоири" фахрий унвонига сазовор бўлди. Биз шоирни ушбу юксак мукофот билан муборакбод этиб, туркум шеърларини газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ВАТАННИ АЛМАШМАЙМАН ҲЕЧ КИМГА...

БУГУН ҚЎШИҚ ЁЗАЖАКМАН

Бугун қўшиқ ёзажакман,
Бир ажойиб қўшиқ бўлгай.
Қувват битиб қанотига,
Парвоз этиш насиб бўлгай.

Бул қўшиғим Хумо каби
Давлатли ва бахтли бўлгай.
Озод учар, эмин-эркин,
Садоқатли, аҳдли бўлгай.

Тоғнинг баланд чўққисига
Барча бирдек ошиқ бўлгай.
Ирмоқ каби чулдур-чулдур,
Сўқмоқ каби қўшиқ бўлгай.

Армони кўп одамзотнинг
Ойи бўлгай, Куни бўлгай.
Тилсими кўп табиатнинг
Сайраб турган тили бўлгай.

Жизиллаган жазирада
Ёлғиз ўсган терак бўлгай.
Чарчаб келган йўловчининг
Муҳтожига керак бўлгай.

Фазогирдай коинотда
Юлдузларга сирдош бўлгай.
Нозик таъбли, зийрак бўлгай,
Улуғликка тиркаш бўлгай.

Тонг-саҳарни қанотида
Олиб учган лочин бўлгай.
Мошинлига — аэроплан,
Пиёдага — мошин бўлгай.

Олтин қушим, олмос қушим,
Эл-юртимга қўлдош бўлгай.
Мангуликка ошиқ бўлиб,
Яхшиликка йўлдош бўлгай.

Ким бўлса ҳам бул қўшиғим,
Инсон ғамин ўйлайверар.
Катта билан катта бўлиб,
Бола билан ўйнайверар.

Ким бўлса ҳам бул қўшиғим
Танҳо менинг ўзим бўлгай.
Юртим учун илоҳимдан
Тилаб олган сўзим бўлгай.

ВАТАН

Қорақалпоқ отли менинг Ватаним,
Дунёда муқаддас ғурур, орим ул.
Ота-бобом ётган азиз тупроғим,
Қайга кетсам, қайтиб келар ерим ул.

Юртнинг лойқа суви, тузли ҳавоси,
Армонли кўнглимнинг ёлғиз давоси,
Пирим Хўжа Аҳмад холис дуоси,
Жонимнинг ичинда жоним — зарим ул.

Ватан таърифланмас тилнинг учинда,
Унинг тенги йўқдир бутун очунда,
Дўсти ёроним бор тенг-тўш ичинда,
Эрназар, Элмурод, Абдукарим ул.

Бўлакча сийлаган тақдир инсонни —
Танлаб бўлмас ота-она, Ватанни,
Ватанни севмасанг бахш айлаб жонни,
Тирик туриб ўлган ўлим — шўрим ул.

Умрим бўйи эрта кунми, кеч кунми
Мен Ватанни алмашмайман ҳеч кимга,
Икки дарё оқар халқим кўксинда,
Ибройим, Абдулла каби шеърим ул.

Эй, кекса-ёш ватандошим, тенгдошим,
Тутаман деб дунёнинг тамал тошин,
Ватангадо бўлма, тўкиб кўз ёшинг,
Хору сарсон, юрт кўрмаган кўрим ул.

Кўл тегмаган кўриқ ерим, заҳирам,
Зуваламиз кўп ийлам ё оз ийлам,
Омон бўлсин Ватан отлиғ хазинам,
Ёлғиз уйим — остонам ҳам тўрим ул.

ТУҒИЛГАН ЕР ҚАДРЛИ

Бўлса ҳам бир қаричдай,
Туғилган ер қадрли.
Қаторингдан қолишмай,
Югурган ер қадрли.

Олис ерда адашсанг,
Йўлбошларинг қадрли.
Ўпкалашиб, ярашган
Йўлдошларинг қадрли.

Туғишгандан тунгилсанг,
Туғ олишинг қадрли —
Қайғусига қайишсанг,
Қувонишинг қадрли.

Уя босган маконинг
Учганингда қадрли.
Туҳмат қилган дўстингдан
Душманинг-да қадрли.

Қўнаман деб қайрилсанг,
Қўлинг бўлар қадрли.
Ор-номусдан айрилсанг,
Ўлим бўлар қадрли.

МЕНИНГ ИККИ ДЎСТИМ БОР...

Менинг икки дўстим бор,
Биринчиси — Гумондор,
Иккинчиси — Таваккал.

Гумондор дўст муғомбир,
Кўп сирлашавермайди.
Таваккал дўстим соддадил,
Айттанимга кўнмайди.

Иккинчи дўстим ер юрак,
"Кейинимдан юр!" дейди.
Биринчи дўстим бош чайқаб,
"Охирин англаб кўр" дейди.

Соғ бошимни дўстларим
Ҳар балога солади.
Измига юрсам бошқанинг,
Дўстларнинг кўнгли қолади.

Таваккалга юраман,
Икки-уч давон ўттанча.
Изимни аниқ кўраман,
Гумондор дўстим еттунча...

Менинг икки дўстим бор:
Биринчиси — Гумондор,
Иккинчиси — Таваккал.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ...

Бахтиёр Генжамуродов, Умида Абдуазимова Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Абдулҳамид ХЎЖАЗОДА

Наҳотки оташдир муҳаббат

ҒАРОЙИБ ТУШ

Туш кўрдим: эмишки, юлдузман,
Самонинг тоқида порлаган.
Бахтимдан масрурман, ферузман,
Дийдорим самолар чорлаган.

Заминда бир малак интизор,
Ишқ тўла кўз билан боқармиш,
Қароғин тўлдириб шашқатор,
Андуҳли кўз ёши оқармиш.

Оҳ, дейман, айланай чақмоққа,
Шул санам пойида сўнайин.
Кўзидан дур бўлиб оқмоққа,
Ёмғирли булутга дўнайин.

Ё, майли, айланай майсага,
Бағримни топтасин товони.
Юрагим қадайин найзага,
Шул бўлса кўнглимнинг жонони.

Не бахтким, Тангридан иноят,
Етишди бир зиё мисоли,
Мустажоб минг йиллик ибодат,
Раводир ул санам висоли...

Уйғондим: ёнимда париваш,
Белимда сочлари тўлғанар.
Самода юлдузлар қилар рашк,
Оҳ, юрак қайтадан чўғланар.

Дедим, мен чиндан-да юлдузман,
Самонинг тоқида яшнаган.
Паридек ҳурлиқо бир қиздан,
Муҳаббат болини ошаган...

ЙИҒЛАГАН МЕН ЭМАС...

Йиғлаган мен эмас, юрагим,
Вужудим бир туйғу қийнайди.
Дунёга бормикан керагим,
Юрагим жисмимга сиғмайди...

Бир дилга шунчалар озорми,
Наҳотки оташдир муҳаббат?!
Кенг дунё чиндан-да бозорми,
Сотилса вафо-ю диёнат!

Одамлар дунёга сиғмайди,
Ҳолбуки, бир газлик сўнгги уй.
Келганда йиғлайди, йиғлайди,
Кеттанда қолдириб ҳазин куй...

Йиғлаган мен эмас, юрагим...

БЕГОНА ОДАМ

ҲИКОЯ

— Хайр, дадажон, кечқурун яна ўзингиз келинг. Кутиб ўтираман!

Папкасини елкасига осиб мактабга кетаётган Ҳамида товуш келган томонга ўгирилди. Сал наридаги боғча дарвозаси ёнида бир қизалоқ дадасининг бўйнидан қаттиқ қучиб олган, дадаси эса: "Хўп, қизим, сени олиб кетгани албатта ўзим келаман", деб қайта-қайта такрорларди.

Ҳамида ота-боланинг бу ҳолатидан таъсирланди. Негадир маъюс тортди. Боғчага қатнаб юрган пайтларини эсларди. Ўшанда қандоқ яхши эди-я! Дадаси ҳар куни ишга кетаётиб уни боғча эшиги ёнида қолдирар, у ҳам худди манави қизалоққа ўхшаб дадасини ҳеч қўйиб юборгиси келмасди. Кечқурун эса "Ҳамида, мен келдим!" деган қадрдон товушни эшитса бас, ирғишлаб дадаси томон югурарди. Дадаси байрамларда, баъзан дам олиш кунларидаям уни паркка олиб борарди. Йўл-йўлакай у Ҳамиданинг ҳамма саволларига жавоб қилар, бундай гаштли суҳбатлар кеч кирганда уйда ҳам давом этарди. Онаси эса уларнинг гап-сўзларига асло қўшилмас, укаси Шерзоднинг парвариши билан банд эди. Яхши кунлар доим яхшилигича давом этавермас экан. Кейин ҳаммаси ўзгариб кетди. Дадаси билан ойиси тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолишди. Айниқса бир куни... Ўшанда Ҳамида бошини кўрпага буркаб, ўзини ухлаганга солиб ётди. Ичкарида эса қаттиқ-қуруқ гап-сўзлар тобора кучаймоқда эди.

— Атрофимдагилар шама қилишганда ишонмагандим. Аниқладим, сен менга хиёнат қилиб юрибсан, — деди дадаси.

— Бировларнинг гапига ишониб, ҳаммадан рашк қилаверасизми? Мен архитекторман, эркаклар билан ишлайман. Бўлганим шу! — деди ойиси.

— Кеча икковингни яна бирга кўрдим. Буям ёлғонми? Айт!

Ойиси гап топиб беролмай ҳиқ-ҳиқ йиғлай бошлади.

"Мана энди бариси жойига тушади" деб ўйлади Ҳамида ҳамма гапни эшитиб ётаркан. Чунки илгарилари ҳам улар урушишганда доимо ойиси йиғлар, шунда дадаси: "Бўлди жоним, кўз ёшларингга ҳеч тоқат қилолмайман. Мендан ўтган бўлса кечир", дерди. Шу-шу иккаласи яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди. Ҳозир ҳам ойисининг йиғлаётганидан Ҳамида қувонди. Кўнглининг чеккасида бир умид "йилт" этди. "Ҳозир улар ярашишади!" Бироқ дадаси шаштидан тушмаганди.

— Бас, йиғлама! Барибир сени энди кечиролмайман! — деди у қаҳр аралаш.

Ойиси шарт ўрнидан турдию нариги хонага чиқиб кетди. Дадаси бошини чангаллаганича узоқ ўтирди. Оғир "ух" тортди. Сўнг кийимлариниям ечмасдан диванга чўзилди. Буларни эшик тирқишидан кўриб турган Ҳамида оёқ учида диван томонга юрди.

— Ие, ҳали сен уйғоқмидинг қизим? — деди дадаси аллақандай сергак тортиб.

— Йўқ, ухлаётгандим. Ҳалиги... чанқаб кетдим-да.

— Келақол ёнимга...

Дадаси унинг сочларини силади. "Ўзимнинг доно қизим" деб эркалади.

— Дадажон, сиз жудаям яхшисиз, — деди Ҳамида.

— Мен ҳам сени жуда яхши кўраман, қизим. Буни ҳеч вақт ёдингдан чиқарма, хўпми?

Ўшанда дадаси уйдан кетишга қарор қилгани, айрилиқ олдидан Ҳамидага шу гапларни уқтирганини қиз анча кеч тушунди. Кейин дадаси уйга келмасдан ишхонасида ётиб қоладиган бўлди. Лекин кундузлари бирров боғчага кириб Ҳамидадан хабар олиб кетарди.

"Ҳиёнат дегани нимайкин? У шунчалик ёмон нарсами?" ўйларди Ҳамида. Бироқ ўдак кўнглида бу саволга ҳеч жавоб тополмайдигандек туюларди. Бир куни онаси ишга кетаётиб Ҳамида билан Шерзодни боғчада қолдирди. Сўнг "Кечқурун икковингни Ноила холанг олиб кетади, бувингникида ўтира туринглар. Мен ишдан кечроқ қайтаман", деди. Шу куни кечки овқат маҳали бувиси Ҳамидадан секингина сўради:

— Даданг уйга келяптими?

— Йўқ...

— Ҳа, майли. Икковиям бир куни инсофга келиб қолар.

Шунда Ҳамида анчадан бери ўйлаб юрган гапини бувисига айтди.

— Ҳалиги... Хиёнат дегани нима, буви?

— Бу гапни қаёқдан олдинг, қўзим?

— Дадам ойим билан уришганларида "Сен менга хиёнат қилдинг" дедилар.

— Йўғ-е, янглиш эшитгандирсан?

— Икки-уч марта айтдилар.

— Вой, шўрим!

Бувиси бошини чайқаб яна алланарсалар деб пичирлади. Шу куйи анча вақт жим бўлиб қолди. Сўнг Ҳамидага кўзи тушиб, унга таскин бергандек деди:

— Сен хафа бўлма, жон болам. Мана кўрасан, ярашиб кетишади ҳали.

Эртасига бувиси ўзгача шахт билан Ҳамидаларникига кириб келди. Ичкарида она-боланинг қаттиқ-қаттиқ гаплашишгани эшитилиб турарди.

— Ўша билан қандай танишиб қолувдинг?

— Фирма учун қурилаётган офис лойиҳасини чизиш менга топширилганди. Иш билан борганимда уни ўша жойда кўриб қолдим. У мактабдалигимиздаёқ мени яхши кўрарди, ойи. Қизимни қариндошларимга бераман деб совчиларини қувиб солгансиз, эсингиздами? Анча вақт гаплашмадик. Уйланган экан, кўп яшамай ажрашибди. Шундан сўнг тез-тез кўришадиган бўлиб қолдик. Сени ҳалиям яхши кўраман деб ўз ҳолимга қўймади. Кейин ўзим ҳам уни...

— Бас қил! Ўзинг ҳам жуда безбет бўлиб кетибсан.

Бир пайт бувиси Ҳамидани кўриб қолиб, эшикни шартта ёпди. Кейин улар нималар ҳақида гаплашишди, қиз буни билолмади. Фақат бувиси эшикдан чиқаётиб қизига:

— Гулдай болаларингни ўйла. Ялиниб бор, кечирар ахир, — деганини эшитди.

— Ойижон, энди турмушимиз бўлмайди. Буёғини ўзим ҳал қиламан, — деди ойиси.

Кўп ўтмай, дадаси ва ойисини судга чақиришди. Уларнинг ажрашганини Ҳамида холаларидан эшитиб билди. Бир куни кичик холаси ошхонада овқат қилаётиб онасига: "Опамнинг ўзи ёмон-да. Тавба, оилали аёл ҳам бошқа эркакка кўнгил қўядими? Энди поччамга ўхшаган кишини топиб бўпди!" деётганида... остонада турган Ҳамидага кўзи тушдию индамай қолди. Ўшандан сўнг қиз ҳаммасини тушунди. Демак, айб дадасида эмас. Хиёнат деганлари ёмон нарса... Жуда-жуда ёмон!

Бу пайтда у эндигина мактабга бораётганди. Ўша кунлари ойиси уйига бегона бир кишини бошлаб келди. Иккиси алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Ҳамида кичкина хонтахтага китоб-дафтарларини ёйиб дарс қилаётганди. Ўша одам худди ўз уйида юргандек ичкарига кириб уст-бошини алмаштириб чиқди. Сўнг телевизор каналларини бирма-бир айлантирди, ошхонага бориб чойни янгилаб келди, кейин диванга ястаниб ўтирганича хўриллатиб чой ича бошлади. Ҳамида кўз қири билан буларнинг барисини кўриб ўтирар, негадир ғаши келарди. Ҳалиги одам қизнинг нохуш кайфиятини сезгандек ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. "Отинг нимайди, қизалоқ!" деди. Ҳамида индамасдан хўмрайди. Нотаниш одам гўё ҳеч нарса бўлмагандек чўнтагидан бир қути конфет чиқариб хонтахта устига қўйди.

— Бу сенга! Манави машинача уканга.

Ўзи юрар ўйинчоқ машинага кўзи тушган Шерзод югуриб келди:

— Қани, бир кўрий...

Ойиси лаганда овқат олиб кираркан, булар учовини бир жойда кўриб суюниб кетди.

— Қани келинглар, овқат совийди.

Ҳамида овқат пайтида ҳам "очилмади". У шу топда фақат дадасини ўйлар, мана бу одам дадаси ўтирадиган стулга бемалол жойлашиб олганини кўриб, ич-ичидан ғазаби қўзирди.

Бегона киши буларникига тез-тез келиб турадиган бўлди. Ҳар келганида Ҳамидага конфет, Шерзодга ўйинчоқ беришни унутмасди.

Ҳамида унинг қўлидан ширинликни олгиси келмас, лекин ойисининг чимирилиб туришига кўзи тушиб, беихтиёр қўл чўзар, сўнг "раҳмат" деб пичирларди.

Икки ҳафта аввал бир воқеа бўлиб ўтди...

Бегона одам эшикдан чиқиши билан ойиси Ҳамидага ўшқирди:

— Нега уйга биров келса қовоғингни очмайсан?! А?! Нега?!

— У одам... келмасин! Дадамни чақирайлик, — деди у қўрқа-писа.

— Даданг йўқ энди! У ўлган, билдингми?! Мана шу одам энди сенинг даданг бўлади!

— Ёлғон айтаяпсиз, дадам ўлмаган!

— Овозингни ўчир! Маҳмадона! Шу одам уйимизга келса "дада" дейсан!

— Айтмайман!

— Айтмасанг, мана сенга!

Ҳамида юзига тушган тарсаки зарбидан чинқириб юборди.

Ўша кундан бери она-бола деярли гаплашишмайди. У мактабдан қайтаркан, уйга боргиси келмас, ойисининг қаҳрли нигоҳидан чўчирди. Кеча ўша бегона одам яна келди. Ойиси билан пичирлашиб нималарнидир гаплашди. Сўнг одати бўйича Ҳамидага конфет узатаркан, "қизим, ўқишларинг қалай?" деди. Бу сўз қизнинг қулоғига жуда совуқ эшитилди. "Қизим демасин у. Мен фақат ўзимнинг дадамнинг қизиман! — деди у ич-ичидан ғижиниб. — Бўлди, эртага бувимникига қочиб кетаман!"

Ҳамида бувисиникида бир ҳафтача яшади. Лекин кўнглидаги ғашлик бу ерда ҳам тарқалмади. Холаларининг ҳазил-ҳузул гаплари, бувисининг эркалашлари ҳам Ҳамидага таскин беролмас, юраги изтиробга тўла эди. У дадасини қаттиқ соғинарди.

— Эртага кечқурун уйларингга кетамиз, ойинг сени келсин, деяпти... Кўргиси келибди, — деди бувиси унга.

— Буви, силаникида яшасам, майлими? — деди Ҳамида секингина.

— Вой, бувигинанг айлансин-ей, нега бундай дейсан? Бу уй ҳам ўзингнинг уйинг-ку. Ойинг, уканг сени соғиниб қийналишса ёмон-да. Қиз бола ўз онасининг ёнида бўлгани яхши, болам. Укдингми?

Ҳамида "ҳа" дегандек бош ирғади. Шу куни унинг уйқуси қочди. Алламаҳалгача дадасини ўйлаб ётди. "Қанийди, ҳозир ёнимда бўлсангиз, дадажон. Сиз билан узоқларга кетардим. Уйимизга ҳеч ким қайтиб келмасдим. Мен анави одамни ёмон кўраман. Уни дада демайман! Ҳеч қачон! Нега келмаяпсиз-а? Ё чиндан ҳам ойим айтганидек... йўқ, йўқ, сиз ўлмайсиз! Биламан, ишингиз кўп..."

Ҳамида мактабга келганда эндигина дарс бошланган экан. Жойига бориб ўтирди. "Нега кечикиб юрибсан?" деди ёнидаги қиз шивирлаб.

— Ҳозир бувимникида яшаяпман-ку... Мактабга йўллари сал узоқроқ-да.

— Ҳа, шундайми.

Шу куни Ҳамиданинг қулоғига дарс ҳам кирмади. У бугун кечқурун бувиси билан уйларига боришини ўйлаб юраги сиқиларди. Яна анави бегона одамга дуч келса... "Йўқ, уйга қайтиб бормайман! Бормайман!" деб пичирлади ўзўзига.

Дарслар тугагач, сумкасини елкасига осаркан, партадоши Севара уни тўхтатди.

— Бугун ҳам бувингникига борасанми, бирга кетайлик.

— Ҳм-м, майли, — деди Ҳамида.

— Анави дўконга бориб музқаймоқ обкелай. Сўнг сенга етиб оламан, хўпми?

У чопқиллаб дўкон томонга кетди. Ҳамида бувисиникига борадиган йўл томон бурилди. Катта кўчанинг иккала чети тутзор, сал нарида катта канал суви оқиб ўтарди. Аввалги йили қўшнилари-нинг тўққиз ёшли ўғли шу каналда чўмиламан деб сувга чўкиб кетган.

— Сузишни билмас экан, гирдобга тушиб қолиб чиқолмабди, — деди дадаси ўшанда азадан қайтгач.

— Тавба, кечагина ўйнаб юрган бола бугун йўқ, — деди ойиси бош чайқаб.

Ҳамида ҳозир ўша кунларни эсларкан, яна юраги сиқила бошлади. Сув тинчгина оқар, атрофда ҳеч зоғ йўқ эди. "Агар мен ҳам шу каналга тушиб кетсам... эртага йўқ бўламан!" Шу фикр хаёлидан ўтиши билан унинг бутун вужуди зирқираб кетди. Дадасининг чеҳраси кўз олдига келди. Кейин бувиси, холалари, ойиси, Шерзод, анави одам... "У ёмон одам! — титраб-қақшаб ўйлай бошлади у. — Агар ўша бўлмаганида ойим билан дадам ажралиб кетишмасмиди!" Ҳамиданинг кайфияти бузилди. У бугун кечқурун яна ўша бегона одамга дуч келишдан кўра йўқ бўлиб кўя қолишни афзал кўрарди, ҳозир.

Қиз катталар чўмиладиган тарафга ўтди. "Ҳали бу ерга ҳеч ким чўмилишга келгани йўқ. Демак, сув совуқ бўлса керак-да, деб ўйлади. Сўнг сувга қўлини ботириб кўрмоқчи бўлди. Аста пастга эгилди. Шунда оёғи тойиб кетдию... дарров ҳушёр тортиб ўзини орқага олди. Бироқ, кечиккан эди! У сувга қулаб тушаркан, қулоғига узоқдан таниш бир овоз элас-элас келиб урилгандек бўлди:

— Ҳами-и-да! Ҳами-и-й...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат.

ЁЛҚИН

БИР ЖУФТ ҒАЗАЛ

* * *

Ўзбекистон, она юртим, жонажонимсан ўзинг,
Эрк олиб келган ўзимга меҳрибонимсан ўзинг.

Мустақиллик тонгида кўрдимки иқболимни мен,
Савлатимсан, давлатимсан ҳам имонимсан ўзинг.

Бахтима тақдири аввалдан буюксан, эй Ватан,
Сен — Темур бобом диёри, армуғонимсан ўзинг.

Зарга тенг тупроғингу хўп заршунос халқинг буюк,
Ноз-неъматларга тўлган бўстонимсан ўзинг.

Энди истиқбол қўлингда, равнақинг кутгай сени,
Бағрини дўстларга очган дилистонимсан ўзинг.

Ҳар қачон кўнглимни қалқон айлагайман сен учун,
Менга сен ҳам кўкси қалқон, соябонимсан ўзинг.

Ёлқин ўғлинг дейди: сарбонинг муносибдир сенга,
Элга осойиш яратган посбонимсан ўзинг.

* * *

Ёзмаям бўлгайми кўнглим ашъор ёзгин деса,
Қалбу қоним жўш уриб, шому наҳор ёзгин деса.

Ул девонларким, жавоним ичра турмас бир даме,
Не илож, пешволарим йўллаб мадор, ёзгин деса.

Ғунчалар тутса сиёҳин, очса юлдузлар варақ,
Тонгда булбуллар навоси беғубор ёзгин деса.

Ул қалам қошиким, тутқизгай қалам, қошин тутиб,
Ёзмайинму комроним интизор ёзгин деса.

Тўлдириб кўксимни олсам коинотдан мен нафас,
Ерда меҳнат гаштига айлаб хумор, ёзгин деса.

Ғийбат ичра қолмасам бас, келди қўлдан, ёзаман,
Бўлса гар халқимга манзур, дўсту ёр ёзгин деса.

Ёзгин, эй Ёлқин, кишида қолмасин бежо адаб,
Оқини оқ ёз, қаросин ошкор ёзгин деса.

ТАҚДИРГА МУҲАББАТ

Алишер Навоий ижодида тақдир тушунчаси

Ҳазрати Алишер Навоийнинг тақдирга бўлган собит иймони ва ўчмас муҳаббати унинг барча асарларидан аёндир. У зотнинг бу ишончи асло таваккулига — ҳар ишда Аллоҳга қаттиқ таяниб иш кўришига, тадбир ва саъйу ғайратига халал етказмайди, аксинча, адиб шуларнинг ҳаммасини, ҳатто ишқ жунунини ҳам тақдирдан, деб билади. «Аллоҳга ҳамд бўлсинки, тақдир қалами азалдан пешонамда жунун ва ишқни ёзди», дейди шоир:

Биҳамдиллаҳки, оллимда азалдин
Жунуну ишқ ёзди килки тақдир.

Охират ва жамол ошиғи ишқи илоҳий ва ваҳдат майи: Аллоҳ таолонинг якка-ягоналиги шавқи азалдан сарнавишт — пешонага ёзилган тақдир эканига шукрлар қилиб, завқу шавқларга тўлади ва бу илоҳий ишқ неъмати боис Аллоҳнинг тақдирини севади: «Нечун, Тангрининг тақдирини севмас эканман?», деб нидо қилади:

Ишқу май, эй шайх, азалдин
сарнавишт эрмиш манга,
Ваҳ, нетиб хуш кўрмагаймен
Тенгрининг тақдирини?

Тақдирни севиш иймон камоли, тасаввуфдаги ризо мақоми натижаси бўлиб, тақдирни сўкиш, қарғаш ёки лаънатлаш асло мумкин эмас, деган қоидага асосланган.

«Тақдир қалами» деган ибора ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» китобида келган ҳадиси шарифдандир: Ҳазрати Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: *«Аллоҳ таоло сенга муяссар қилган нарсани тақдир қалами ёзиб қўйгандир!»*, — дедилар.

* * *

Тақдир — ўлчов, миқдор, андоза, қазо, қадар, азалдан белгилаб қўйилган, пешонага ёзилган нарса, қисмат деганидир. Қуръонда айтилади: **«Аллоҳ ҳамма нарса учун бир ўлчов (бир ҳад) муқаррар қилгандир»** («Ат-талоқ» сураси, 3-оят).

Алишер Навоий «Сирожу-л-муслимийн» асарида иймон қоидасининг ижмолини баён этиб, балоғатга етган ақл соҳибига Аллоҳ таоло фарз қилган биринчи нарса иймон эканини айтади, сўнг иймоннинг маъносини билдириб:

Анинг маънисидур тил бирла иқрор,
Кўнгул бирла инонмоғлиғ даги бор —

дейди. Яъни калимаи тоййиба — покловчи сўз: «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ» — «Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир», демоқдир. Иймон калималарини тили билан айтиб, дили билан ҳам тасдиқ этган киши мўъмин бўлиб, пок ҳисобланади. Шундан сўнг Навоий муъман биҳлар тафсилини — ишониш шарт бўлган олти нарсани зикр қилиб, Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат куни ҳақ эканига ишонгандан кейин, тақдирга ҳам ишониш фарз эканини билдиради:

Яна билмақдурур бемакру тазвир
Ки, ҳақдиндур ямон-яхшиға тақдир.

Навоийнинг тақдирга иймони шу қадар қувватлики, ҳар ишда ўзини тўлиқ-тўкис ҳақ таолога ҳавола этади:

Эй Навоий, бил неким бўлғонни
ҳақ тақдиридин,
Мундин ўзга амрдин кўнглингни уз,
илкингни йиғ.

Навоий ҳикмати бежиз эмас. Инсоннинг она раҳимида пайдо бўлиб, одам шаклини олишидан то туғилишигача, туғилишидан то ўлимигача бўлган муддатлар ва унга етадиган барча яхши-ёмон нарсалар тақдирга дохилдир.

* * *

«Килки қазо», «хомаи тақдир», яъни тақдир қалами зикри Навоий ғазалиётида комил иймон ва таъкид билан такрорланади:

Ҳар не ёзмиш оллингга килки қазо,
кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас
Тенгрининг тақдиридин.

Яна:

Ғам ўлса, солма гириҳлар
қошингғаким, қилмас
Ғализ ўлуб бу қаро манъи
хомайи тақдир.

«Ғам етса, қошингни чимириб, уни буришиқ, чигал қилмагин, чунки қоралиги бадтар қуюқлашади-ю, аммо зинҳор тақдир қаламининг ёзувини тақиқлай олмайди».

Чун не тақдир ўлса, тағйир ўлмас
эрмиш саъй ила,
Қайғу қисмим бўлди деб ортуқси
невчун қайғурай?

«Неки тақдир қилинган бўлса, у саъйу ҳаракат билан ўзгармайди, бас, қайғу менга қисмат бўлди, деб нечун ортиқча қайғурайин?!»

Бу ҳикматлар Қуръон ва ҳадисга асосланади. Ҳазрати Имом Бухорий «Тақдир китоби»нинг 5-бобига: **«Банда назрга эмас, тақдирга ишонмоғи керак»,** деб сарлавҳа қўйганлар. Унда ҳазрати Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ушбу ҳадиси шариф баён қилинади: ...Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Назр бериб, тақдирдан қутулиб бўлмайди...»*, — дедилар.

Яна у зотдан ушбу ҳадиси шариф баён этилади: *«Назр Одам боласига ҳеч қандай манфаъат бермайди, унинг пешонасига ёзилганини ўзгартира олмайди. Лекин азалдан тақдир қилинган нарсаларни тақдирнинг ўзигина унга насиб айлайди, холос!»*

Бошқа ҳадиси шарифлар маъносига

кўра, садақа (жазр) бало-офатни қайтаради, хусусан, яширин садақа хунук ўлимни дафъ этади (Имом Термизий). Аммо бу натижани Аллоҳнинг тақдиридан деб билмоқ лозим.

Демак, инсон саъйу ҳаракати билан эришадиган яхшиликлар ҳам аслида тақдирдандир. Навоий қуйлаган маъно ана шу. Мажоз ортидаги ҳақиқат ана шу.

* * *

«Кишига азалдан тақдир қилинган нарса билан унга таъна-маломат қилишдан фойда йўқ. Бемаврид ўгит-насиҳат ҳам беҳудадир. Бировдан айбу нуқсон излагандан кўра, ўз айбингни тафтиш эт, чунки инсон учун ўз нуқсонини кўришдек маърифат бўлмагай». Бу маъно Навоийнинг бир қанча байтларида акс этган.

Не воқиъ ўлса, чу тақдирдин
эмас хориж,
Бас, ўктадур қилуридин
кишига бермак ўгут.

«Инсонда қандай яхши ёки ёмон иш содир бўлса, бу тақдирдан ташқари эмас. Бас, шундоқ экан, кишининг қиладиган ишидан унга ўгит-насиҳат бериб, таъна-маломат қилмоқ беҳудадир».

Дайр аро усрук кўруб,
зоҳид мени айб айламиш,
Билмамиш мискинки,
ҳеч иш хорижи тақдир эмас.

«Дунёда мени (Аллоҳнинг зикри, ишқи, файзи ва жазбасидан) маст, сархуш ҳолда кўриб, зоҳид мени айблабди, у бечора билмабдики, ҳеч бир иш тақдирдан ташқари эмас».

Бу байтлардаги маъно инсонларни ёмонликдан қайтариб, яхшиликка буюриш мўъминга фарз эканини асло хаспўшламайди, чунки бу фарзият ҳеч қачон ҳеч кимдан, айниқса, илм аҳлидан соқит эмас. Шунингдек, бу ифода илми калом соҳасида Мотуридий (ҳазрати Имом Абу Мансур ал-Мотуридий-Самарқандий) таълимотида машҳур бўлган жузъий ихтиёр масаласини ҳам зинҳор таомилдан чиқармайди. Яъни тақдир ҳақ, бандаларнинг феълини, шубҳасиз, Аллоҳ яратган, аммо Ҳақ таоло иймон ва куфрни, яхшилик ва ёмонликни яратиб, буларни танлашда бандага жузъий (бир қисм) ихтиёр ҳам бериб қўйган. Чунончи, Навоий айтади:

Чу топмас ҳар неки тақдирдур бу
дайр аро тағйир,
Адаб эрмастурур қилмоқ ҳар ишни
муддао густоҳ.

«Ҳар неки тақдир қилинган бўлса, бу дунёда у асло ўзгармайди, демак, ҳар ишни қилишни муддао этмоқ, орзу қилмоқ, истамоқ адабдан эмас, баски, густоҳ бўлманг — адабсизлик қилманг, ҳаддингизни билинг, адабга мувофиқ ишларни қилишга урининг, одатланинг!»

* * *

Ҳазрати Навоий иймон-эътиқоди, бутун ижоди, умри мазмуни ва фаолиятининг хулосаси бўлмиш «Муножот» асарида орифона эътиқод ва валиёна тавозуъ билан айтади:

«Илоҳий, Одам хилофот тахтининг муставжиби ўзиму бўлди, Сенинг тақдиринг бўлмай, шайтон мухолифатининг сўзиму бўлди?..

Илоҳий, иноятинга уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингга сазоворменким, хатову саҳвум беададдур».

Навоий ижодида тақдир тушунчаси теран ва мустаҳкам, соғлом исломий эътиқодга, асл илм ва пок маърифатга асосланган.

Бир таржиъбандида Навоий жаҳон гўзали (ва гўзаллиги)нинг фонийлигини айтиб, у туфайли содир бўлган фитналардан ранж-ўкинчини баён этади, сўнг дарҳол эътиқод тамойилига қайтиб:

Ғалат қилдим, бу туҳматдин барийдур
Жаҳон раъно аруси — дилситони;
Ки ҳақ тақдиридиндур олам ичра
Ямону яхшининг яхши-ёмони, —

дейди. Яъни «Дунёда яхши-ёмон инсонларда бўладиган яхши-ёмон ишларнинг ҳаммаси ҳақ таолонинг тақдиридандир».

Ҳеч иш ўлмас айру Холиқ амридин,
Илтижо махлуққа келтурма кўп.

Шунингдек, бирор инсоний эҳтиёжни ҳам бандадан талаб қилиш, бирор зарур юмуш ечимини махлуқотдан – яралмиш инсонлардан кутиш таваккулга мувофиқ эмас. Чунки барча ишлар фақатгина Аллоҳнинг амри, изни билан бажо бўлади. **«Бир япроқ узилиб тушмас, магар Аллоҳ уни билур»,** дейилади Қуръонда. Инсон қалби салим соҳиби бўлиб, ичи Ҳаққа тўғри, нияти туз бўлиши, у — умид ва қўрқув орасида яшаши, яъни сўнгги нафасдаги ҳолини ўйлаб, Аллоҳдан қўрққан ҳолда, Аллоҳнинг раҳматидан умид ҳам узмаслиги керак. Чунончи, Навоий «Муножот»да айтади: **«Илоҳий, агар хислатим эгридур, ниятим туздур, бу жиҳатдин агар қўркунчим бордур, аммо уммидим бирга юздур».**

* * *

Навоий мажозий байтларида айтади:

Бори ҳар тақдир илаким,
бор мен лабташнаға
Тутмас эрмиш захри ғамдин
ўзга даҳри дун қадаҳ.

«Бу паст дунё мен лаби қақроқ, ташна инсонга ғам заҳридан бошқа қадаҳни тутмас экан, бас, бунинг ҳаммаси тақдир биландир».

Ҳаддинг эрмастур менинг ишқим
дебон ёзғурмаким,
Мен ҳам англармен, вале не чорадур
тақдир ила?

«Менга ишқ боғлаш сенинг ҳаддинг эмас» деб, мени айбламагил. Ишқингга лойиқ эмаслигимни ўзим ҳам англайман, аммо бу пок ишқ тақдир қилинган бўлса, мен нетайин, тақдирга не чора бор!»

Яна «Муножот»да айтади:

«Илоҳий, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнумда занжир бўлғай ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир, санга тақдир бу навъ эрса, манга не тадбир?»

Булар ошиқ банданинг ҳақ таолога бир арзи муҳаббати, ошиқона нози, орифона эркалигидир.

* * *

Хулоса. Навоий ижодида тақдир истилоҳи юзлаб ўринларда қўлланган. Барчасидан чиқадиган хулоса шуки, тақдир ҳақ, унга ишониш иймондандир. Аммо тақдирнинг муқаррар экани инсонни хайрли, савобли ишлардан, ғайрат-шижоатдан, саъйу ҳаракатдан асло тўхтатмайди. Инсон уч ҳол билан тақдирга пешвоз юрмоғи лозим: 1) таваккул қилмоғи – барча ишларида бутқул Аллоҳга таянмоғи билан; 2) самимий дуо-илтижолари билан; 3) дуога мувофиқ гўзал саъй-ҳаракатлари билан. Навоий бу хулосасида ҳам Қуръон ва ҳадисга таянади. Чунки Аллоҳ таоло айтади:

Кимки Аллоҳга таваккул қилиб таянса, У зот унга етарлидир! (Ат-талоқ» сураси, 3-оят).

Яна айтади: **«У ўлимни ва ҳаётни ишамал жиҳатидан қайси бирингиз энг яхши (ҳаракатда) эканингизни имтиҳон этмоқ учун яратди. У мутлоқ ғолиб ва бениҳоят мағфиратли-кечиргувчидир»** («Ал-мулк» сураси, 2-оят).

Навоий ҳикматларидан: «Тақдирдаги нарсани қайтара олувчи омил борми?», деган савол туғилади. Бу ўта нозик саволга Навоий маърифатидан ўрин олган ҳадиси шарифлардан жавоб топамиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом, жумладан: *«Қадарни дуодан ўзга ҳеч нарса қайтара олмайди, умрни яхшиликдан ўзга ҳеч нарса зиёда қила олмайди»*, деганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Табароний ва Абу Йаъло ўз китобларида келтирган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: *«Эҳтиёт бўлмоқ қадардан қутулмоққа фойда бермас. Лекин дуо бошга тушган ва ҳали бошга тушмаган мусибатни қайтаришда фойда берур. Бас, эй Аллоҳнинг бандалари! Сизлар дуога ёпишингизлар»* («Рамуз ал-аҳодис», 354-саҳифа, 3-ҳадис).

Яна ҳоким «Мустадрак» китобида баён этган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом айтганлар: *«Дуо қазони қайтаради (балони дафъ этади). Яхшилик ризқни орттиради. Банда гуноҳи туфайли ризқидан маҳрум бўлиши мумкин». (Эътиқодга кўра, ризқ ҳам тақдир қилинган нарсадир, ўзгармасдир).*

Ана шу сабабларга кўра, ҳазрат Навоий дуога эътиборни кучайтирганлар, у зотнинг таваккули, ёниқ дуо-илтижолари ва шунга мувофиқ саъй-ҳаракатлари ўз тақдирини яхшилиқ билан зийнатлашда муҳим аҳамият касб этганига шубҳа йўқ.

Навоий хоксорлик билан айтади:

"Илоҳий, Сендин ёмонлиғ келмас ва мендин яхшилиғ, Сен яхшисен ва мен ёмон. Ҳар кимга ўзига муносибдур қилиғ...

Илоҳий, агар афъолимға боқсам, уёт ултурур ва Сенинг карамингни соғинсам, уммид танамға жон келтурур».

Ҳазрат Навоийнинг тақдир ҳақидаги тушунчаси ана шундай нурли ва ҳаётбахшдир. У зот шижоатли фаолияти ва ҳаётбахш ижоди билан ўз тақдирига пешвоз юрган зотдир. У зотнинг инсоният тарихида қолдирган тенгсиз маънавий меъроси ўз тақдиридан нурли ёдгордир.

Мирзо КЕНЖАБЕК

МАНГУ ЛАҲЗА...



СУРАТДА: **устоз Абдулла ҚАҲҲОР. Мазкур сурат ўтган асрнинг 60-йиллари машҳур адибнинг ижодхонасида олинган.**

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"
2006 йил июл, август ойлари сонлари

"Жаҳон адабиёти" журналининг мазкур сонларида муштарийлар иштиёқ билан ўқийдиган, дунё адабиётини машҳур шоир ва адиблари асарлари эълон қилинган. XX аср шеъриятининг пешқадам вакили, атоқли поляк шоири Тадеуш Ружевичнинг сарбастда ёзган даъваткор шеърлари (таржимон Мирпўлат Мирзо), оташнафас рус шоири Михаил Лермонтов ижодидан намуналар (Жуманиёз Жабборов таржималари), француз халқининг эрксевар ўғлони, классик шоир Франсуа Вийоннинг бир туркум шеърлари (таржимон Хусниддин Шарипов) журналнинг ушбу сонлари салмоғини белгилайди.



Журнал Шарқу Ғарб насрининг энг етук намуналари билан ўқувчиларни таништириб боришни давом эттириб, эрон адабиётига янги руҳ олиб кирган ажойиб адиб Содиқ Ҳидоятнинг ҳикояларини (таржимон Ғулом Карим), америкалик ёзувчи Лесли Уоллер қаламига мансуб, сармоядорларнинг сирли ва шафқатсиз олами ҳақидаги, кескин ишқий саргузаштларга бой "Банкир" номли романини (таржимон Файзи Шоҳисмоил таржимаси) ҳамда таниқли рус адиби Борис Пильнякнинг "Сўнмаган ой қиссаси" асарини (Ортиқбой Абдуллаев таржимаси) эълон қилган. Турли давр, турли халқлар ҳаёти, ижтимоий-маиший турмуши ва тарихий ҳақиқатнинг реал тасвирлари акс этган бу асарлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

"Ниҳоят, Истиқлол шарофати билан тарихий адолат тикланганидан сўнг Бобур Мирзонинг Амир Темурга бўлган садоқат ва ихлосига бағишлаб, "Юлдузли тунлар" романининг тўлдирилган нашрига янги боблар киритдим. Бу мавзу "Она лочин видоси" романи ҳамда "Тил ва эл" номли бадиада баҳоли қудрат давом эттирилди. Ҳозир эса шу мавзуни мантиқан давом эттириб, илмий бадиа шаклида Амир Темурнинг мислсиз қаҳрамонликларига бағишланган алоҳида бир китоб тайёрлаш бўйича иш олиб бормоқдаман", дейди атоқли адибимиз Пиримқул Қодиров "Амир Темур сиймоси" илмий бадиасига ёзган сўзбошисида. Шубҳасиз, мазкур бадиа журналнинг мазкур сонлари мундарижасини бойитган.

Агата Кристи номини билмаган, эшитмаган китобхон бўлмаса керак. Детектив жанрининг бу машҳур намояндаси асарлари юздан ортиқ тилларга таржима қилинган. "Жаҳон адабиёти" саргузашт ишқибозларига бу гал инглиз адибасининг қизиқарли ва сирли воқеаларга бой "Байрам арафасидаги қотиллик" номли романини (таржимон Тўлқин Алимов) тақдим этган.

Умуман, журнал мундарижасидан ўрин олган асарлар мавзуи ва мазмунига эътибор берадиган бўлсак, "Жаҳон адабиёти" таҳририяти имкон борича қизиқиш доиралари турлича бўлган китобхонлар оммасини кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда антик даврнинг мутафаккирининг мактублари, сталин қатағон қурбонлари ҳақидаги асарлар ва айни пайтда соф лирик шеърлар, достон ҳамда турли даврларда яратилган драмалар, шунингдек, саргузашт, детективга ҳар бир сонида жой ажаратади. Ушбу саъй-ҳаракат замирида ўзбек китобхонини нафақат жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш, балки сиёсат тарихи, ижтимоий воқеалар, фалсафий-эстетик билимлар билан бойитиш муддаоси ҳам ётибди.

Шу маънода, журналнинг июл ва август ойлари сонларида эълон қилинган қадимги Рим файласуфи Сенеканинг "Ҳикматли мактублар"и (Қ.Носиров таржимаси), ҳозирги замон ғарб фалсафасини йирик вакилларидан бири Эрих Фроммнинг "Севги санъати" асари (А.Пардаев таржимаси), А.Зиновьевнинг "Ҳақиқат, фақат ҳақиқат" публицистик мақоласи (М.Мирзо таржимаси), Пьер Жильяннинг "Николай II ва шоҳ оиласининг фожиали тақдири" номли эсдаликлари ушбу нашр мавзуларининг рангбаранглигини таъминланганидан далолатдир.

Таниқли адабиётшунос олимларимиздан Бахтиёр Назаровнинг "Истиқлол даври ўзбек адабиётининг манзаралари", Янглиш Эгамованинг "Гёте гулшанидан гул териб", тадқиқотчи Адиба Давлатованинг "Эътиқодга садоқат" сарлавҳали мақолалари ҳам ўзбек шеъриятида бугун кечаётган жараёнлар, улуғ олмон шоири шеърияти таржимасига доир кузатишлар таҳлилига бағишланган.

Газета ва журналларга янги йилга обуна мавсуми бошланаётгани муносабати билан муштарийларга "Жаҳон адабиёти"га обуна бўлишни эслатишни лозим кўрамиз. Зеро, дунё адабиётидан, санъатидан, маданияти, тарихи ва фалсафасидан сизни мунтазам хабардор этиб борадиган ягона нашр "Жаҳон адабиёти"дир. Сиз кутган ва кутмаган ўткир сюжетли детектив, кескин воқеаларга бой драматик асарлар, албатта, жаҳон шеърияти ҳамда прозасининг танланган намуналари журналнинг келгуси йилги сонларида эълон қилиниши режалаштирилган.

Журналларни варақлаганда...

"ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"
2006 йил, 3-4 сонлар

Журналнинг шу йилги учинчи сони адабиётшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқотлар билан очилади. Исломжон Ёқубовнинг "Структуал поэтика имкониятлари" мақоласида Чўлпон насрини структурал таҳлил усули орқали ўрганиш тажрибаси ҳақида сўз юритилади. Охунжон Сафаровнинг мақоласи XVI аср охири — XVII аср бошларида Бухорода яшаб ижод этган шоир Нахлий Бухорий шахсияти ва шеърияти ҳақида. Шунингдек, "Адабиётшунослик" рукнида Нодирхон Ҳасан ва Ўктам Султоновнинг "Олим Шайхнинг "Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс" асари ва унинг яссавийшуносликдаги аҳамияти" сарлавҳали тадқиқоти берилган.



"Ҳар қандай фан, жумладан, ўзбек тилшунослиги ўз тараққиётининг муайян даврларида ҳал этилиши давр талаби нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланувчи муаммоларга эга бўлиши табиий ҳол", деб ёзади Азим Ҳожиев ушбу сондаги "Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари" мақоласида. Таниқли тилшунос олим Эрнест Бегматовнинг илмий фаолиятига бағишланган "Етук сўзшунос ва услубшунос" мақоласи (муаллифлар: Т.Мирзаев, А.Маматов, М.Жўраев, Н.Маҳкамов) ҳамда Ж.Элтазаровнинг "Сўз туркумлари парадигмасида ядро-периферия муносабатлари" сарлавҳали тадқиқоти ҳам журналнинг ушбу сонида ёритилган.

"Илмий ахборот" рукни остида берилган материаллар мумтоз ва ҳозирги замон ўзбек адабиёти, адабий тили, халқ оғзаки ижоди, тилшунослик масалалари тадқиқига бағишланган.

Бахтиёр Назаровнинг "Рубоий таржимачилигида янги қадам" мақоласида "Муҳаббат тароналари" тўплами ҳақида, Дилшод Ражабовнинг "Бухоро қўшиқлари" тақризида "Бухороча" ва "Мавриги" тароналари" китоби таҳлил этилган.

Журналнинг шу йилги тўртинчи сонида бир туркум мақолалар Мустақиллик даври ўзбек адабий тили ривожига (Э.Бегматов), мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятларига (Н.Раҳимжонов), янги луғатлар яратиш масалаларига (А.Мадвалиев) бағишланган. Б.Раҳмоновнинг "Эртакда формулавий тасвир", Э.Очилов "Рубоий жанрининг тарихий тараққиёти" мақолаларида мазкур жанр хусусиятлари таҳлилга олинган.

Таниқли тилшунос олимлар Ғ.Абдураҳмонов, М.Миртожиевнинг тилшунослик масалаларига доир мақолалари, ўндан ортиқ тадқиқотчиларнинг турли мавзулардаги илмий ахборотлари журналнинг мазкур сони салмоғини таъминлаган. Шунингдек, сиз "Ўзбек тили ва адабиёти"да изчил эълон қилиниб келинаётган "Олтин ёруқ" асарининг давомини ҳам ўқийсиз.

ШОИРНИНГ ТУҒЁНИ

Тақдимот

Тарихий обидалари, адабий анъаналари билан кўнгилларни ром этган қўҳна Самарқанд бугун ҳам ўз истеъдодлари билан эътибор қозониб келмоқда. Мумтоз маданият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб вояга етаётган ёш авлод орасида истеъдодли шоир-ёзувчилар кўп.

Хуршид Нуруллаев ана шу адабий муҳитда шаклланган фаол ижодкорлардан биридир. Кеча Ёзувчилар уюшмасида Хуршид Нуруллаевнинг "Туғён" деб номланган янги китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан чоп этилган ушбу китобда ижодкорнинг кейинги йилларда ёзган шеър, ҳикоя ва ҳажвиялари жамланган.

Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ижодкорни янги китоб билан қутлар экан, Самарқанд адабий муҳитини янада жонлантириш, бадиий сўз масъулиятини теранроқ ҳис этиш, ижтимоий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларга, маънавий юксалишларга ҳамнафас бўлиб яшаш ва фаолият кўрсатиш зарурлиги ҳақида сўзлади.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Минхожиддин Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбеков, шоирлар Мирпўлат Мирзо, Рустам Мусурмон, "Ёшлик" журнали бош муҳаррири ўринбосари Луқмон Бўрихон ва бошқа ижодкорлар Хуршид Нуруллаев шеър ва ҳикояларининг бадиий жиҳатлари, муаллифнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзладилар.

Шаҳноза УСМОНОВА

ДЎСТ ҲАҚИДА СЎЗ

Эркин билан узоқ суҳбатлашдик. Ўттиз-қирқ йил ичида кечган воқеалар, ақл бовар қилмас даражадаги ўзгаришлар, янгиликлар хусусида, Эркин саҳнада, кино ва телевидениеда яратган ранг-баранг образлар ҳақида, шахсий ҳаётимиздаги ўзгаришлар — назаримизда кечагина қизларга қўнғироқ қилиб ҳаяжонланиб юрган йигитлар бугун бир неча неваранинг боболари бўлганимиз тўғрисида, хуллас, жуда кўп нарсалар борасида дилдан суҳбатлашдик. Қайсидир воқеани эслаганда қаҳ-қаҳ отиб кулдик, нималардир ёдимизга тушганда маҳзун тортдик. Энг муҳими, эсласа эслагудек, бировга айтишга, ҳаттоки ёзиб қолдиришга арзигулик воқеалар анчагина экан. Шунинг ўзи умр беҳуда ўтмаётганидан далолат беради...

Мен Эркинни таниганимга қирқ йилдан ошди. У пайтда икковимиз ҳам талаба эдик: у Тошкент театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат институти) институтида, мен Тошкент давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети). Айни пайтда икковимиз ҳам ишлардик: у Ҳамза номидаги академик драма театрида (ҳозирги Миллий театр), мен "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати") газетасида. Шундан бери бир-биримизнинг ижодимиздан, ютуғу камчиликларимиздан, қувончу ташвишларимиздан хабардормиз. Эркин иштирок этган спектакллар, филмлар, видеофилмларнинг деярли ҳаммасини кўрганман. Албатта, бу роллар орасида ҳар жиҳатдан мукаммал чиққанлари ва наинки Эркин ижодидан, балки ўзбек театр санъати тарихидан муносиб ўрин олганлари ҳам, нисбатан енгилроқ, бошқача айтганда, Эркиндай истеъдодли актёр ўйнаши шарт бўлмаганлари ҳам бор.

Бироқ инсоннинг ижод йўли ҳам ҳаёт йўли каби ҳар доим бир текис бўлавермайди. Шу маънода Эркиннинг бутун ижодини яхлит олганда у кўз ўнгимизда ўзбек театр ва кино санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган, ўзининг бетакрор ижро маҳорати билан минглаб томошабинлар қалбидан жой олган истеъдод соҳиби сифатида намоён бўлади. "Келинлар қўзғолони"даги мухбир, "Юлдузли тунлар"даги Фазлиддин, "Абу Райҳон Беруний"даги Ибн Сино, "Қирол Лир"даги Албени, "Қароқчилар"даги Карл Моор, "Ҳар тўкисда бир айб"даги Глумов, "Уйланиш"даги Жевакин, "Бир қадам йўл"даги Шокир... Бу образларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида мақола, ҳатто тадқиқот ёзиш мумкин. Эътибор қилинг, бу қаҳрамонлар турли миллат вакиллари, турли давр кишилари, турли касб эгалари. Аммо уларнинг барчасига хос бўлган хусусиятлар борки, буни актёр топа олган. Булар — адолатпарварлик, ростгўйлик, самимият, дадиллик, шиддат, довюраклик. Бу фазилатлар Эркиннинг ўзига ҳам хос, албатта. Эҳтимол, шунинг учун бу образлар унинг ижросида ҳақиқий талқинини топгандир...

"Келинлар қўзғолони" комедиясидаги мухбир аслида эпизодик рол. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. 1977 йилда Ҳамза номидаги театр Москвага ижодий сафарга борди. Ўн кун давомида Москвадаги Малий театр саҳнасида бир неча спектакл, жумладан "Келинлар қўзғолони" ҳам намойиш этилди. (Ўшанда "Ўзбекистон маданияти" газетасининг мухбири сифатида театр гастролини ёритиш учун Москвага борганман ва воқеаларнинг ҳаммасига бевосита гувоҳман.) Очиқ эътироф этиш керак, гастрол жуда баланд руҳда ўтди, ҳар бир спектакл аншлаг бўлиб намойиш қилинди. Гастрол сўнгида ўша пайтдаги Иттифоқ Маданият вазирлигида унинг якунларига бағишланган муҳокама-йиғилиш бўлди. Ўшанда москвалик машҳур театршунос К.Рудницкий бир фикрни айтган эди. "Келинлар қўзғолони"дан мухбир саҳнасини бемалол олиб ташлаш мумкин, спектакл ҳеч нарса ютқазмайди. Аммо актёр Эркин Комилов шундай ижро этганки, натижада бу саҳнани олиб ташлаш мумкин эмас, бордию шундай қилинса спектакл кемтик бўлиб қолади." Бу ёш актёр Эркин Комилов маҳоратига берилган жуда юқори баҳо эди. К.Рудницкий ушбу гастрол якунларига бағишлаб мақола ёзди ва у "Правда" газетасида "Талантлар ҳамоҳанглиги" сарлавҳаси билан эълон қилинди.

Эркин Комиловнинг ижод китобида телепостановкаларда ижро этган роллари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг эл-юртга танилишида телепостановкаларнинг аҳамияти катта. "Гирдоб"даги Азиз Қосимов, "Ёз ёмғири"даги Раҳим Саидов, "Абадият қонуни"даги Бачана Рамишвили, "Диёнат"даги Ҳайдар, "Сўнгги ўқ"даги майор Солиҳов сингари образлар Эркин ижросида ўзининг ҳақиқий талқинини топди, мухлислар қалбидан бир умрга жой олди. Айниқса, "Гирдоб"даги бош қаҳрамон образини яратиш жараёнидаги изланишлар санъаткорнинг нафақат ижодий фаолиятида, балки ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бешта қиздан сўнг туғилган ўғил фарзандини ана шу қаҳрамон номи билан Азиз деб атагани бежиз эмас.

— Менинг ва Ёдгор, Гулчеҳра, Ҳожиакбар, Саидкомил, Теша каби тенгқурларимнинг бахти шундаки, биз Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов сингари буюк актёрлар билан ёнма-ён, бир саҳнада, бир спектаклда роллар ижро этиш шарафига муяссар бўлдик. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир мактаб эди. Айтайлик, Шукур Бурҳоновдаги шиддат, талабчанлик ва эҳтиросни, Олим Хўжаевдаги юксак маданият ва дидни, Наби Раҳимовдаги ўта ҳозиржавоблик ва юморни ҳеч қайси мактабдан топиб бўлмайди, ҳеч қайси муаллим ўргата олмайди. Улар билан саҳнада, гримхонада, ижодий сафарларда бирга бўлган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган инсонгина бу ноёб хислатларни илғаши, ўрганиши мумкин бўларди. Бизнинг яна бир бахтимиз, — дейди Эркин, — Гинзбург, Тўла Хўжаев, Васильев, Баҳодир Йўлдошев, Мақсуд Юнусов, Ҳайбат Алиев каби бетакрор режиссёрлар билан ишладик. Бу режиссёрлар қўйган спектаклларда, видеофилмларда рол ижро этиш шараф эди, ҳаммага ҳам насиб этавермасди. Чунки спектаклда ҳам, филмда ҳам, видеофилмда ҳам актёрнинг маҳорати қанчалик намоён бўлиши кўп жиҳатдан режиссёр маҳоратига боғлиқдир. Ҳақиқий режиссёр қайси актёр қанақа ролга мослигини, унинг таланти нимага қодирлигини билади, истеъдоди ярқираб очилишига сабаб бўлади. Шу тариқа ҳар бир спектаклда камида битта актёр кашф этиларди. Юқорида эслаганимиз режиссёрлар ана шундай ижодкорлар эдилар.

Эркин истеъдодли актёр бўлиш билан бирга фуқаро, зиёли сифатида ҳам фаолдир. У юртимизда бўладиган турли тадбирларда фаол иштирок этади. Истиқлол ғояларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилишдан, мустақиллик туфайли эришган ютуқларимизни айтиб ғурурланишдан, бошқаларга ҳам шу туйғуларни сингдиришдан чарчамайди.

— Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги байрами арафасида бир гуруҳ ҳамкасбларим билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида учрашувлар ўтказдик, — дейди Эркин. — Аввало шуни фахр билан айтишим керакки, қаерга бормайлик улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Бир ерда янги мактаб, бошқасида лицей ёки коллеж, яна бир жойда шифохона, қишлоқ врачлик пункти, қўшма корхона... Йўллару кўприкларни айтмайсизми. Одамнинг ҳаваси келади, хориж йўлларидан қолишадиган жойи йўқ. Муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Мен бир қанча хорижий мамлакатларда бўлганман (бу ҳам аслида истиқлол туфайли), истагани келиб, юртимизнинг вилоят ва туманларига борсин. Ҳеч кимдан уяладиган жойимиз йўқ. Одамларимизнинг фикрлаши, дунёқараши эса бугун мутлақо ўзгарган: совет замонидаги гўл, бир гап айтиб хавотир билан тўрт томонга аланглайдиган юраги зада халқ эмас бугунги ўзбек. Бугунги ўзбекнинг ўз қатъий сўзи бор, ўз қараши, ҳар бир масалага ўз ёндашуви бор. Президентимиз сўзлари билан айтганда, бундай халқни ҳеч ким енга олмайди, ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди, бундай халқ ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Мен шу халқ, шу юрт фарзанди эканимдан, шу халққа хизмат қилаётганимдан фахрланаман...

Қани эди ана шундай фидойи замондошларимиз образи тасвирланган асарлар бўлса-ю, уларни саҳнага қўйсак, замондошларимиз сиймосини яратсак саҳнада, кинода...

Чиндан ҳам бугунги замондошларимиз бетимсол ишларни бажармоқдалар. Уларнинг образларини бадиий асарларда яратиш ижодкорлар олдида турган энг долзарб вазифа. Театр ва кино санъатининг асоси эса адабиёт. Шундай пайтда айрим енгил-елпи спектакллар, филмлар, уларнинг сабаблари ҳақида ўйлаб кетасан киши. Афсусланарли жойи шундаки, ўшанақа "асарлар"да истеъдодли санъаткорлар ҳам кўриниб қолади. Буни Эркинга айтсам, бироз жим қолди, чуқур хўрсинди ва "актёр бекор ўтира олмайди-ку", деди. Бу қисқа гапи билан нима демоқчи эканини англадим, маълум маънода ўзимни ҳам айбдор ҳис этдим...

Эркинни кўп кузатганман: хушҳол гапларни гапирса ҳаяжон, эҳтирос билан, тўлқинланиб сўзлайди, нохуш нарсалар хусусида сўз борса ўзи билмаган ҳолда жаҳли чиқиб, асабийлашиб кетади. Бу том маънода ижодкорлигидан, ҳақиқий зиёли эканидан, шу юрт, шу халқнинг фидойи фарзанди эканидан бўлса ажаб эмас.

Гап айланиб унинг юбилейига келиб тақалди.

— Бир вақтлар фалончи олтмишга кирибди дейишса, жуда ҳайратга тушардим, ўша одам кўзимга кекса бўлиб кўринарди, — деди Эркин ўзига хос беозор кулги билан. — Мана, энди ўзимиз ҳам олтмишга кириб қўйибмиз, олтмиш ёш ҳам ҳеч гап эмас экан...

— Газетадан қўнғироқ қилиб, Эркин Комилов олтмишга кирибди, бир мақола ёзиб берсангиз, дейишганда, очиғи ишонгим келмади, — дедим. — Ўйлаб, хаёл суриб кетдим. Лекин ҳаёт ҳақиқатини инкор этиб бўлмас экан.

Эркин гапни илиб кетди:

— Олтмишга кирганимизга ишонгимиз келмаётган эканми, демак ҳали куч-қудратимиз, ақл-заковатимиз бор. Демак, ҳали қиладиган ишларимиз кўп, оғайни.

Қатъий ишонч билан, дадил айтилган бу гаплар замирида бир олам маъно мавжуд эди. Чунки юбиляримиз — Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловнинг ҳаракатларида, сўзларида, мулоҳазаларида олам-олам орзулар, режалар мужассам. Инсон, хусусан ижодкор эртанги кун ҳақида ўйлаётган, улкан режалар билан яшаётган экан, демак унинг кексалиги, ижоддан тўхтагани тўғрисида гапириш ортиқча. Олтмишни эса навбатдаги бир ёш сифатида қарамоқ керак.

Ҳа, халқ севган санъаткор Эркин Комиловнинг қиладиган ишлари, ижро этадиган роллари ҳали кўп. Мухлислари уни етмиш, саксон ёши билан қутлашини, ўшанда ҳам у саҳнада, экранда роллар ижро этиб юришини тилаймиз.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Қутлаймиз!

ҲУНАРМАНДЛАР УСТОЗИ



Таниқли ҳунарманд уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаевнинг отаси ўз даврининг моҳир наққоши бўлган эди. Қўли гул инсоннинг ягона орзуси ўғли Абдуғанининг ҳам ўзидек ҳунарманд-уста бўлганини кўриш эди. Шу орзуни рўёбга чиқариш мақсадида мактабни битирган йили Абдуғани коммунал хўжалик техникумининг қурилиш бўлимига ўқишга кирди.

Зеҳни ўткир, зийрак ва тиришқоқ Абдуғани яхши ўқиши, жамоат ишларида фаол иштирок этиши ва ҳаракатчанлиги билан тенгдошларидан ажралиб турди. Техникум ўқувчилари сафида машҳур ўймакор уста Қодиржон ота Ҳайдаров устахонасига бориб, унинг яратувчилик меҳнатлари билан танишди. Шу тариқа сиру синоатларга бой ёғоч ўймакорлиги касбига ишқи тушиб қолди.

Абдуғани техникумни битириши билан ота ҳузурига борди. Устага шогирд тушишга қарор қилганлигини айтди.

— Ҳузуримга тортинмай келибсанми, сендан уста чиқади, — деди Қ.Ҳайдаров. — Шуни билиб қўйки, дурадгор-устадан ўймакор-устанинг фарқи катта. У тиришқоқ, сабр-қаноатли ва ижодкор бўлиши керак.

Устозидек моҳир уста бўлишга аҳд қилган Абдуғани унинг маслаҳатларига амал қилиб, ишда сабр-қаноатли бўлди, билмаганини сўраб ўрганишдан асло ор қилмади.

А.Абдуллаев дастлаб ёғочга жило бериш устаси бўлди, кейин унга нақшли гуллар солишга ўтди, бу йўлда искана "ўйнатиш" борасида ўрганган тажрибасини ишга солди. Пардоз берилган ёғочларни ғоят усталик билан ўйиб, бири-бирига ўхшамас буюмлар ясаб, устозининг дуоларини олди.

Тўққиз йил деганда Қодиржон ота Ҳайдаров шогирдига мустақил ишлаш учун оқ йўл тилади. Чунки энди шогирди юзини ерга қаратмаслигига ишонар эди.

Абдуғани устозидан ўрганган тажрибаларини амалиётда кенг қўллади. Чиройли ва бежирим буюмлар ясаб, чойхоналару ошхоналар кўркига кўрк қўшди. Ёнига шогирдлар олиб, уларга севган касбини ўргатди. Астасекин устоз ва шогирдлар олтин меросимизга айланган тарихий-маданий обидаларни қайтадан таъмирлаш ҳамда тиклаш ишларида фаол иштирок эта бошлашди. Ўз ҳунарларини Фарғона водийси ҳудудларида, ҳатто қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам намойиш этиб, устоз Қодиржон ота Ҳайдаров руҳини шод қилдилар.

Нодир ҳунар эгаси уста Абдуғани аканинг қадами етган жойлар обод ва кўркам бўляпти. У жило берган бетакрор ёғоч буюмлари, халқ амалий санъати асарлари Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари театрлари, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ва бошқа кўплаб маданий-маиший биноларни безаб турибди. Уста Аҳмад Яссавийнинг Туркистондаги мақбарасини таъмирлаш ишларида фаол иштирок этиб, эл дуосини олган.

Халқ дуоси Абдуғани Абдуллаевни тарихий ва маданий обидаларимизни асли ҳолига келтириш, уларни қайта таъмирлаш ишларида янада фаол қатнашишга чорлади. Ҳадис илмининг билимдони Имом ал-Бухорий мажмуида меҳнат қилаётганида Юртбошимиз таҳсинига сазовор бўлди. Тошкентдаги Хотира ва Шаҳидлар майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида Президент назарига тушди. Буюк алломаларимиз ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаларида ишлади. Бу борадаги ҳалол хизматлари ўз қадрини топди. Юртбошимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон халқ устаси" унвонига сазовор бўлди.

Миллий меъморчилик ва ҳунармандчилик намунаси бўлган ёғоч-ўймакорликни чорак асрдан буён қадрлаб келаётган Абдуғани Абдуллаев кўплаб ёш ҳунармандларнинг устозидир.

Бугунги кунда шогирдлари ўймакор устанинг юқори унумли техникалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устахонаси ҳамда турли чизмалар ва услубий қўлланмалар билан таъминланган ижодхонасида касб сирларини эгаллашяпти.

— Яқинда Тошкентда фойдаланишга топширилган Маданият ва санъат асарлари кўргазмаси биносида ҳам шогирдларим билан кўп вақт ишладим, — дейди А.Абдуллаев. — Бизнинг кучимиз билан бинонинг 205 метрлик айвони бунёд этилди. Уни безаб турган ҳар бири 6 метрдан 36 та нақшли устун, умумий узунлиги 250 метр бўлган шарапа ва 16 та ҳовузак ҳам бизнинг қўлимиздан чиққан.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлиб, "Олтин юлдуз" медали билан тақдирланган 5 киши орасида ўзининг исми-шарифини кўрган Абдуғани Абдуллаевнинг қалби қувончга тўлди.

— Бу мукофот фақат менга эмас, балки барча ҳунармандлар меҳнатига, аҳли Қўқонга берилган юксак баҳодир, — дейди қутловларга жавобан уста Абдуғани. — Қаҳрамонлик унвони мендан янада кўп меҳнат қилишни, ҳар бир ишга масъулиятни ҳис этган ҳолда ижодий ёндашишни талаб этади. Юртбошимиз ва халқимиз ишончини ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

Баҳодир НОСИРОВ

Қўқон шаҳри.

ОНА ТАБИАТ ЖИЛОЛАРИ

Халқаро "Маданият Карвон саройи"да истеъдодли рассом Элдор Фатхуллиннинг кўргазмаси очилди. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров, Николай Шин каби устозлардан ранг-тасвир санъати сирларидан сабоқ олган Элдор Фатхуллин бугун хорижда, Чехия республикасида яшаб ижод қилади. Рассомнинг мақсади юртимизнинг бетакрор манзаралари, халқимизнинг турмуш тарзи лавҳаларини муҳрлаб, хорижий мамлакатларда намойиш этишдир.

Элдор Фатхуллин юртдошларига кейинги йилларда ижод этган сара асарларини тақдим қилди. Унинг суратларида она табиатимиз ранг-баранг жилоланади. Айниқса, рассомнинг анор ва миллий пичоқларимиз тасвирланган асари томошабинни ўйлантиради. Э.Фатхуллиннинг маҳобатли рангтасвирда яратган асарлари ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг мозаикали паннолари Тошкент, Янгиер, Олмалиқ шаҳарларида, Чехия ва Германияда сақланади. Рассомнинг энг сара асарлари Австрия, Словения, АҚШ, Чехия, Германия, Исроил, Россияда шахсий коллекциячилар галереясидан ҳам жой олган.



САРВАРА

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биносида гастрол дастурини намойиш этган Н.М.Загурский номидаги Иркутск мусиқий театри бир неча спектакллари билан томошабинларимизни хушнуд этди.

САНЪАТ ҚАЛБЛАРНИ ТУТАШТИРДИ

Жамоа Тошкентга ўз либослари, декорациялари, турли асбоб-ускуналари билан ташриф буюрди. 150 кишидан иборат қатнашчилар орасида солистлар, балет, оркестр тўла таркибда, хор, рок-ансамбл бор эди. Театрнинг Тошкентга келишидан бир ҳафта илгари эса 12 вагонда реквизитлар олиб келинди. Иркутск театри энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, электроникадан тўла фойдалана олиши спектакларнинг замонавий руҳда олиб борилишига ёрдам берди. Театр катта форматли кучли электрон проектордан фойдаланиши жамоа имкониятларини жуда кенгайтирган. Энди декорацияларга, бўёқларга вақт кетқазишга эҳтиёж деярли қолмади. Мусиқали ва ранг-баранг чироқлар билан зални безашда, томошабинлар талабига жавоб берадиган муҳит яратишда ёритиш бош рассоми Г.Мелник, бош дирижёр Н.Силвестров, дирижёр В.Ефремовлар кўп хизмат қилдилар. 2000дан зиёд либослар айниқса, шарқона услубда яратилган кийим-кечаклар хушбичим ва сержилолиги билан кўзни қамаштирди.

Театр Тошкентда 7 июлдан 6-августгача "Силва", "Оқ акация", "Юнона" ва "Авос", "Менинг ажойиб хонимим", "Ўн икки ой", "Балет кечаси", "Илҳом", "Минг бир кеча", "Монмартр бинафшаси", "Жазда фақат қизлар", "Баядера", "Иисус Христос-суперюлдуз", "Менга бўса ҳадя эт, Кэт" ва "Яна кўришгунча" деб номланган гала концертларини томошабинлар эътиборига тақдим этди.

Гастролнинг биринчи куни "Биз Байкал соҳилларидамиз" деб номланган концертда турли жанрларга мансуб мусиқали дастур намойиш этилди.

Иркутскликларнинг гастрол репертуаридаги илк спектакл "Силва" (Имре Калман) оперетасини дунёнинг энг машҳур театр жамоалари бир-биридан моҳирона ижро этишган. Лекин Иркутск театри жамоасининг бошқалардан фарқи шундаки, улар мазмунни чуқур ёритишга ва юксак психологизмга эришганлар. Спектакл қулдирмайди, қувончга тўлдирмайди, хаёлга чўмдирмайди — у мухлисни ўзига тортади.

"Силва" оперетаси сюжети, иштирокчилари, мусиқаси ўзгача, замонавий услубда талқин қилинди. Лекин либреттога ўзгартиришлар киритилиб, кичик роллар қўшилди. Биринчи акт классик кўринишга яқин, иккинчиси эса, асл сценарийдагидек улкан шоҳона саройда эмас, балки пляжда бўлиб ўтади. Учинчи актда артистлар Имре Калманнинг машҳур ариясларини оперетта жанрига зид ҳолда, композитор П.Казимиров аранжировкасида жаз услубида ижро этишди. Постановкачи-режиссёр В.Цюпанинг замонавий талқини томошабинларга манзур бўлди.

"Оқ акация" спектакли томошабинни хотиралари сари етаклайди. Ўз ҳаётингизга ўхшаш воқеаларни кўрар экансиз, беихтиёр яна ўша дамларга тушиб қолишни истайсиз. "Менинг ажойиб хонимим" спектакли ҳозирги замонга яқинлаштирилган. Шунинг учун қаҳрамонларнинг сўзлашувида ёшларимиз томонидан кўпинча кўчада ишлатиладиган "жаргон"дан кенг фойдаланилган. Спектакл бошидан охиригача томошабинни сеҳрлаб олади. "Баядера" спектакли ҳам чиройли, ҳақиқий оперетта. Унинг мусиқаси томошабинни ўйлашга мажбур этади.

"Менга бўса ҳадя эт, Кэт" спектаклини мюзикл жанрининг классикаси дейиш мумкин. Чуқур мазмунга эга либретто, руҳлантирадиган ритмлар, майин куйлар томошабинга завқ бахш этади. Чиройли томоша, бетакрор мусиқа, қўшиқ, балет, аъло сценография, ғаройиб либослар уйғунлигидан ташкил топган бу спектакл томошабинлар диққатини жалб этганининг асосий сабаби актёрлар ролларини ҳис-ҳаяжон билан ўйнаганлар.

Театрнинг "Юнона" ва "Авос" (А.Рибников) спектакли илк бор 1996 йили саҳнага чиққан. Шу кунларда рок-операнинг 25 йиллиги Москвада, Ленком театрида нишонланмоқда. Бу асар илк бора Тошкентда, "Халқлар дўстлиги" саройида намойиш этилган. 25 йил илгари қўйилган спектаклни кўрган санъатшунослар билан суҳбатда бўлганимизда Сибир театри А.Рибников ва А.Вознесенскийларнинг асари учун ўз ечимини топганлигини айтиб ўтишди. Иркутск театри Рибников асарини ўзига хос талқин этган. Улар мусиқа, куй, рақс ва пластика анча кучайтирилганлигини таъкидлашмоқда. Бунда дирижёр ва балетмейстерларнинг, аранжировкачиларнинг, замонавий асбоб-ускуналарнинг роли катта. А.Рибников ҳам матбуотда Иркутск театри Россияда мазкур спектаклни энг кучли ижро этган жамоалардан бири, дея эътироф этган.

"Иисус Христос-суперюлдуз" асари Лондонда илк бор 1971-йили саҳнага қўйилган. Тим Райс ва Эндрю Ллойд Веббер қаламига мансуб бу асар театр афсонасига айланди. У "Мен уни қандай севишни билмайман", "Қайта бошлаймизми?", "Hosanna", "Суперюлдуз" ва "Увертюра" каби хитларни ўз ичига олди. Рокнинг кескин ритмлари, кучли ва қисқа, юракни ёндирувчи балладалари — буларнинг ҳаммаси Эндрю Ллойд Веббер асарларида мужассамлашган. "Қирол шер", "Соҳибжамол ва Маҳлуқ", "Иисус Христос-суперюлдуз" каби асарлар Тим Райс қаламига мансуб. "Иисус Христос-суперюлдуз" асари эпик жанрда бўлиб, у назаретлик Иисус ҳаётининг сўнгги 7 кунига бағишлангандир. Бу асар мусиқа тарихида ҳам салмоқли ўрин тутади. Ушбу мюзикл 70-йилларнинг рок-опера эрасини бошлаб берди.

6-август куни бўлиб ўтган иркутскликларнинг хайрлашув концертига чипталар кассада икки ҳафта илгари қолмаганди. Умуман, барча спектакллар аншлаг билан намойиш этилди.

Театрнинг ҳозирги кунда МДҲ давлатлари театрлари орасида етакчи жамоа даражасига кўтарилишида қобилиятли, кўп қиррали актёрларнинг ҳиссаси катта. Николай Хохолков, Ерофей Василев, Вячеслав Дычинский, Николай Малцев, Виктор Лесовой, Владимир Яковлевлар театрга 60, 70, 80-йилларнинг бошларида келиб, ҳозир ҳам шу театрда ижод қилишмоқда.

Иркутск мусиқа театрини В.Яковлевсиз тасаввур қилиш қийин. У ижро этган 80 дан зиёд роллар орасида "Менга бўса ҳадя эт, Кет!" спектаклидаги Фрэд Грэхем, "Менинг ажойиб хонимим"даги Алфред Дулиттл, "Оқ акация"да Яшка-Буксир, "Баядера" оперетасида Пимпринетти ва бошқаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. У Россиянинг энг ёш халқ артистларидан бири ҳисобланади.

Ифодали пластика ва ажойиб овоз соҳиби, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист В.Варшалов эса ҳаммада илиқ таассурот қолдирди. Унинг ижросидаги "Оқ акация"даги Костя Куприянов, "Юнона" ва "Авос"даги граф Николай Резанов томошабинлар қалбидан жой олишга улгурди. "Оқ акация"да Тоня Чумакова, "Баядера"да Мариэтта сингари ролларни ўйнаган С.Лунюшкина мулойим чеҳра ва гўзал овози билан ажралиб туради. У "Юнона" ва "Авос" рок-мистериясида "Илоҳий Она овози" (Голос Богоматери) партиясини моҳирона ижро этиб мухлисларни лол қолдирди.

Александр Айдаров театрнинг ёш, истеъдодли актёрларидан биридир. Унинг юлдузли карерасида энг шовшувга сазовор бўлган роли 10 йилдан зиёд Иркутск театри саҳнасидан тушмаётган "Иисус Христос-суперюлдуз" рок-операсидаги Иешуа ролидир. Ҳозирда Айдаров "Силва" оперетасида Эдвин, "Хонума ҳангомалари" спектаклида Котэ, "Оқ акация" оперетасида Костя Куприянов, "Баядера"да Раджами каби кўплаб бош қаҳрамонлар ролларини ижро этиб келмоқда.

Иркутсклик санъаткорларнинг кучли томони шундаки, улар ҳеч қандай фонограммасиз, энг катта саҳналарда ҳам жонли ижро эта оладилар.

Театрнинг кўзга ташланадиган қирраларидан яна бири унинг кучли, юқори профессионал мусиқий оркестридир. Оркестр, хор, балет гуруҳи ва театр артистларининг яхлит ансамбл бўлиб ижод этишида бош дирижёр Николай Силвестровнинг хизмати жуда катта.

Театр раҳбарияти ва етакчи актёрлари билан Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Фарид Мухаметшиннинг учрашуви чоғида элчи Иркутск театрининг Тошкентдаги гастроллари аҳамияти улкан эканлигини алоҳида таъкидлади ва шундай деди: "Мен Россиядаги таниқли театр жамоасининг Тошкентга гастрол сафари билан келганлигидан жуда мамнунман. Мен уларнинг бир неча спектаклларида бўлиб, залдаги аншлагни, томошабинлар актёрларни катта севинч ва олқишлар билан кутиб олаётганини кўрдим. Элчихона ва тошкентлик дўстларимиз номидан мана шундай ёруғ кунларни ҳадя этган театрга катта миннатдорлик билдираман". Биз ҳам шу тилакларга қўшилиб, жамоага чин дилдан раҳматимизни айтамиз. Бундай сафарлар икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшишига аминмиз.

Дилафруз ҚУРБОНОВА

... Ёз эй, Вурғун, тин эй довул, ки хоҳиш истироҳатдур,
Бу дунёда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир,
Ўлим эвоҳ, бир неъматдур, у бир шонли саодатдур,
Агар бевақт ўлар бўлсам, рақибим бахтиёр ўлсун.

"ТОҒНИ... ЯҚИНДАН КЎРИБ БЎЛМАЙДИ"

Ўша дамда хаёлимга негадир Самад Вурғуннинг ушбу мисралари қуйилиб келаверди. 11 август куни эди. Биз устоз шоиримиз Абдулла Орипов бошчилигида қабр бошига ёзувчи Шукур Холмирзаевни ёд олиб, хотирлаб, ёдгорлик ўрнатиш маросимига йиғилган эдик... Усмон Азим, Эркин Аъзам, Муҳаммад Раҳмон, Абдулла Аъзам, Мирзо Кенжабек, Низом Комил, Сирожиддин Саййид, Мурод Абдуллаев, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамова... Ёзувчининг оила аъзолари, ёру дўстлари, адабиёт мухлислари... "Шонли саодатни, бу бир неъмат"ни бошдан ўтказиб, "иккинчи ҳаёт"ини бошлаган ёзувчи йиғилганларнинг хаёл кўзгусида, дилида, ўйида эди. У худди ёнимизда ўзи ҳақида эслаб айтилган гапларни гоҳ кулимсираб, гоҳ илжайиб, гоҳ истеҳзо аралаш қошларини чимириб, "бу билади, ёмон бу", "вой, у нодон-ку", "шуниси тузук", "оғажон, шуни гапирманг" деб луқма ташлаб турагандай бўлди.

Таассуротлар, хотиралар — ўтмиш билан учрашувнинг ягона йўли. Таассуротлар, хотиралар кўп эди. Йиғилганларнинг ҳаммаси бир шингилдан айтди.

Ҳар ким дунёни, инсонни ўзича кўрадими ёки дунё, инсон ҳаммага ҳар хил кўринадими?.. Хотиралар самимий эди. Чунки, ёзувчининг одамлардан ёлғиз ўтинчи ҳам шу эди.

"Шукур Холмирзаев билан замондош бўлганимиздан фахрланамиз, — дейди Абдулла Орипов. — Мен у билан университетда бирга ўқиганман, нашриётда бирга ишлаганман. Тоғни бор бўйича яқиндан кўриб бўлмайди. Ундан узоқлашганинг сари салобатини, маҳобатини, бор бўй-бастини кўра бошлайсан. Шукур Холмирзаев адабиётимизда ана шундай тоғлардан бири эди... Ўтган асрнинг иккинчи ярмида адабиётимиз тарихида кўп эмас, Ойбек, Абдулла Қаҳҳордек сиймолардан сўнг, Шукур Холмирзаев деган ёзувчи қолади. Бунинг сабаби, истеъдоди, санъати, меҳнати..."

"Шукур ака адабиётга унча-мунчани — ёзишни билмайдиган, истеъдоди йўқ одамларни киришини хоҳламас эди, — дейди Эркин Аъзам. — Адабиёт гўё бир саройу, дарвозасининг калити худди унинг киссасидадек эди. Адабиётни ўзиникидек деб билар эди. Ва бунга унинг ҳақи ҳам бор эди".

"Менга қолса, ҳеч иккиланмай, Шукур Холмирзаев маҳорати мактабини очган бўлар эдим, — дейди Аҳмаджон Мелибоев. — Ҳозирги ёшларимизнинг кўпчилиги тилда, жумла тузишда оқсашяпти. Шукур аканинг ижоди улар учун катта мактаб бўлар эди".

"Шукур аканинг ўзига хос инжиқликлари бор эди, — дейди Усмон Азим. — Ростини айтганда, Шукур акани шляпасиз, машинкасиз, сигаретсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу шляпасини сира ечмас эди. Бир куни ҳовузда чўмилишга мажбур этдик. Сузишни билмайсиз дедик. Биларкан, зўр сузар экан. Ҳамма сувда бошини сал кўтариб сузса, у киши кўкрагини сувдан чиқарганча, бошини ғоз кўтариб сузиб кетди. Бошида шляпа. Ўшанда ҳам шляпасини ечмаган эди". Ҳа, Шукур аканинг имижи эди-да шляпа. Чеховни кўзойнаксиз тасаввур этиб бўлмаганидай, Шукур акани ҳам шляпасиз тасаввур этиб бўлмасди. Ўша куни Шукур акани эслаш баҳонасида, адабиёт, санъат, ҳаёт ҳақида гурунг бўлди.

"Баъзида яшаш ҳам жонга тегиб кетади, — дейди моҳир таржимон, ёзувчининг қалин дўсти Низом Комилов. — Бу дунёнинг ташвиш-азобларидан, дардлардан қутулиб кетди. Шукур билан даврада айтиш шарт бўлмайдиган, кўп воқеаларни бошдан кечирганмиз".

Низом ака бир жиҳатдан ҳақ. Ҳаёт — бу айтиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган унсурлардан, воқеалардан, таассуротлардан иборат. Аммо Шукур ака ана шундай ҳаёт воқеаларини бадиий шаклларга солиб китобхонга етказа оларди. Унинг учун айтиб бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. "Фақат шаклини, услубини топиш керак", дерди у.



"Бир куни Саъдулла Аҳмад билан Шукур Бурҳонни кўргани уйига бордик, — деб эслайди Усмон Азим. — Гап орасида буюк актёримиз сўраб қолди: Шукур Холмирзаев деган ёзувчи борми?

— Бор. Зўр ёзаяпти, — дедик. Шукур Бурҳон қўл силтади... — Э, унинг ёзувчилиги қаерни оларди? Ундан буюк актёр чиқиши мумкин эди". Кейин эсладик. Шукур Холмирзаев университетда ўқиб юрган пайтлари Шукур Бурҳон драма тўгарагини очган. Ўшанда Шукур Холмирзаев Ҳамлет, бўлғуси рафиқаси Саида опа Офелия ролини ўйнаган. "Ўшанда спектакл Ҳамза театри биносида қўйилган. Умрида бирор артистни табрикламаган Шукур Бурҳон ўша куни саҳнага чиқиб шу ролни ўйнаган Шукур Холмирзаевни қучоқлаб, зўр ўйнадинг, деб елкасидан қоққан" экан. Усмон Азимга бу воқеа шоҳиди бўлган Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазов айтиб берибди.

Нима дердик! Шукур Холмирзаев ёзувчи бўлмаганида, зўр актёр бўлар эди. Аммо ўзининг қайд этишича эса, ё биолог ёки қадимшунос бўларкан. Мен бунга шубҳа қилмайман. Шукур ака билан мен учрашган, кўришган пайтларимизда суҳбатларимиз кўпроқ қадимшунослик, этнография, ўт-ўланлар, тоғлар ҳақида бўларди. У биринчи марта бизнинг қишлоғимизда Рўзи Чориев билан меҳмон бўлганида, тоғларнинг номини сўради. "Бу томон Оқтоғ, бу томон Қоратоғ", — дедим. "Қаранг-а, кўп жойларни кўрдим — Оқтоғ — Қоратоғ дейишади. Нега шундай-а?"

Ёднома

Буни ўзимизча шарҳладик. Қуёш чиқадиган томони оқариб кўринади. Шу боис номи Оқтоғ. Қуёш ботадиган томони қорайиб кўринади. Шу боис Қоратоғ. Мен яна қора — бу катта дегани, қаранг, бу тоғ Оқтоғдан бир неча бор улкан, десам гапимга қўшилди.

"Адабиёт ўлмайди", — деб ёзган эди Шукур Холмирзаев.

— Адабиёт ўлмас экан, уям ўлмайди, — дейди Абдулла Орипов. — Аммо лекин мана бу ёдгорликларни ишлаган укамиз ҳайкалтарош Азамат Хатамовга минг бора раҳмат. Чинакам санъат асари бўлибди.

Ўша куни Абдулла Орипов бошчилигида бир гуруҳ ёзувчилар, шоирлар, адабиёт мухлислари рассом Рўзи Чориев қабрини зиёрат қилишди. У ердаги ёдгорликларни ҳам Азамат Хатамов ишлаган.

— Мана бу "академик Рўзи Чориев", деган ёзувга ҳожат йўқ. Рассом Рўзи Чориев деган сўзнинг ўзи кифоя эди. Дантенинг "Илоҳий комедия"си таржимони вафоти олдидан фақат бир сўзни, шу асарнинг таржимони деб ёзсанглар, деб васият қилган экан. Худди шундай, унвонлару амаллар ўз йўлига, инсоннинг қадри, иззати ўзи қолдирган амали-иши билан ўлчанади.

Ҳақ гап. Дунёдан қанча-қанча унвонларга, амалларга, сохта шон-шуҳратларга эга бўлган одамлар ўтмади, дейсиз. Нима қолди улардан? Ўйлаб қоласан киши. Тарихда Амир Темур номи билан қолган буюк ватандошимиз ибрат намунаси эмасми?

Шукур Холмирзаевга энди ҳеч нима керак эмас, аслида. Тириклигида ҳам унга кўп нарса керак эмас эди: бир бурда нон, бир пачка сигарета, машинка ва... озгина меҳр кифоя эди.

Аммо тириклар учун, адабиётни ардоқлаб севган инсонлар учун керак бу тадбирлар, хотиралар. Бунинг учун ёзувчининг қизи Сайёрахонга ўша куни қайта-қайта раҳматлар айтдик.

Мана, улуғ адибимизни озроқ эсладик ҳам. Эслаганда ҳам уни биргина ёзувчи эмас — актёр, боғбон, овчи, содда, қайсар, мураккаб инсон сифатида — ҳуллас минг бир қиёфада эсладик. Аммо унинг саъй-ҳаракатлари аслида бир нарсага — адабиётга фидойи бўлиб хизмат қилишга қаратилганлигини ҳаммамиз ич-ичимиздан англаб турардик.

Нодир НОРМАТОВ

ТИЛ БИЛАН ДИЛЛАШГАН ОЛИМ

Икки оғиз дил сўзи

Миллат ва миллийликнинг биринчи белгиси — тил. Тилни барқарор қилмай, ривожлантирмай туриб, муайян бир миллат, миллийлик тўғрисида сўз юритиш қийин. Ҳар бир халқнинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги салмоғини ҳам аввало тил тарозусига қўйиб чоғлайдилар — хўш, бу тилда нималар яратилган, жаҳон маданиятига у қандай ҳисса қўшган — бу каби саволларнинг чек-чегараси йўқ, чунки миллат ва миллийлик мудом тараққий этиб турганидек, тил ҳам ўз замонаси талабларига жавоб бераоқ тинимсиз ўзгариб ва тараққий топиб бораверади. Ўз лисоний захирасини бойитади, миллат ва миллийликнинг жаҳон миқёсидаги ўрнини тайин қилади. Тилдаги бу тараққиётни эса луғатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада ўзбек лингвист олимлари зиммасидаги масъулият жуда катта. Чунки, халқимиз мустақилликка эришгандан кейин у жаҳонга чиқди, жаҳон эса унга кириб келди. Бу "борди-келди"ларни рисоладагидек йўлга қўйиш, унинг мазмун-моҳиятини теран англаш учун биринчи галда лисоний муносабатни мустаҳкамлаш керак бўлади.

Таниқли лингвист олим, филология фанлари доктори, профессор Қудратилла Мусаевнинг ўзбек тилининг лисоний заҳирасини бойитишда, умуман, тил маданиятимизни ривожлантиришдаги ҳиссаси алоҳида таҳсинга сазовор. Олимнинг умр давомидаги йиққан-терган "бисот"ини унинг ҳақиқий эгаси — ўзбек халқига армуғон этиш учун мустақиллигимиз кенг имкониятлар яратди. Натижа ҳам ҳавас қилса арзигулик: ҳар бири ҳажм ва салмоқ жиҳатидан Ўзбек қомусидек келадиган уч жилдли "Инглизча — ўзбекча — русча кўптиллик луғат" (жами 150000 сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олган) дунёга келди ва халқимизнинг ноёб маданий бойлигига айланди. Дарвоқе, луғатчилик борасида олим аллақачон дурустгина тажрибани қўлга киритган. 1998 йилда муаллифлар жамоаси билан биргаликда "Иқтисодий, молия, банк, тижорат луғати" чоп этилди. 1961 йилда Н.М.Лемпел билан ҳамкорликда чоп этилган "Лотин тилидан қўлланма" китоби ёш тилшунос олимнинг келажаги йўлида муҳим босқич вазифасини ўтаган эди. Олим қаламига мансуб "Бадиий таржима ва нутқ маданияти" (1976), "Бадиий таржимада лексикофразеология масалалари" (1980), "Таржима тили маданияти" (1982), "Инглиз тили стилистикаси" (2003), "Таржима назарияси асослари" (2005) китоблари ҳам эътибор топган ўзига хос тадқиқотлардир.

Луғат яратишдан тортиб, ёш авлодни замон руҳида маърифатли қилиб тарбиялашгача бўлган масъулият ҳисси профессор Қ.Мусаев юрагидан бир нафас ҳам аримади. 1953 йили Одесса чет тиллар университетини битирган олим хорижий тиллар бўйича олган назарий билимларини амалий фаолият билан уйғунлаштирди. Самарқандда янги ташкил этилган Чет тиллар педагогика институтида узоқ йиллар фаолият олиб борди. Ёш ўзбек йигит-қизларининг илм чўққиларини эгаллашлари, шу орқали Республикамизнинг халқаро нуфузини ошириш йўлида ҳалол тер тўкди. Бу олим ва педагогнинг иши ҳар доим силлиқ, кўнгилдагидек борган деган маънони билдирмайди, албатта. Шўро тузумининг ўзига хос инжиқликлари ёш мутахассис бошига ҳам талай ташвишлар солган... Қ.Мусаевдан илмий фаолият билан теран шуғулланиши учун шароит ва имкон яратган устозлари ҳақида сўрагудек бўлсангиз, у, аввало, суягини қотириб одам қилган, диний маълумотлар билан "танглайини кўтарган" падари бузруквори, мураттаб қори Мусохон отани шукроналик билан тилга олади. Ундан кейин бармоқ букиб санай кетади: номзодликдаги илмий раҳбари Эльвира Сергеевна Азнаурова, докторликдаги маслаҳатчиси Юлия Юльевна Авалиани, лингвистика соҳасининг пешқадамларидан таржимашунос олим Ориф Икромов, Саид Шермуҳаммедов, Наимжон Ғойипов, Наримон Ҳотамов... бармоқлар етмай қолади... 1963 йили аспирантурага кириш бўлажак фан номзоди учун яна бир илмий муҳитни пайдо қилди, дейиш мумкин. Пойтахт муҳитида унинг луғат яратиш бўйича маҳорати ўсди. 1988 йилда олим "Лексик-фразеологик бирикмалар таржимаси — таржима назариясининг хусусий муаммоси" мавзуида докторлик диссертациясини Тбилиси шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилди.

Қ.Мусаев Ўзбекистон Миллий банкида таржимонлар гуруҳи бошлиғи лавозимида ҳам талай йиллар тер тўкди. Бу ерда ҳам ижодий изланишдан бир зум тўхтамади, натижа ҳам шунга яраша бўлди — юқорида тилга олганимиз уч жилдли уч тиллик луғат дунёга келди.

Асли суяги меҳнатда қотган одамни меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қудрат Мусаев меҳнатдан ором топадиганлар тоифасидан. Биз ҳам зиёлилар номидан заҳматкаш олимимизни табаррук етмиш ёши билан қизғин қутлаймиз ва узоқ умр тилаймиз.

Амир ФАЙЗУЛЛА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

"СИЗ БУ ГУЛНИ ҚАЙСИ БОҒДАН ОЛДИНГИЗ?"

Мулоҳаза

Мусиқа маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш халфачилик Хоразмнинг ўзига хос санъатига доир шаклан оддий ва халқчил мусиқий жанрдир. Хоразм халфачилик жанри, академик Тўра Мирзаевнинг эътирофича, "достончиликдаги профессионализмнинг ўзига хос юқори чўққиси" ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодидаги урф-одат, тўй-маросим, удумлар қўшиқларини маиший-маърифий тарзда куйлаб, санъат даражасига олиб чиққан "халфа"чилик ижро мактаби асосчиларидан бири Ожиза (Онабиби Отажонова)дир. У шоира, бастакор, хонанда, созанда сифатида машҳур бўлган.

Хоразм қўшиқчилик санъатининг йирик намояндалари Мадраҳим Шерозий, Бола бахши Абдуллаев, Қурбон ота Исмоиловлар билан бир сафда Ожиза яратган куй-қўшиқлар ҳам санъатимизнинг бугунги авлодларини камолга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёт ва ижод йўли бунга ёрқин мисол бўла олади. Ожиза репертуаридаги "Сиз бу гулни қайси боғдан олдингиз", "Тўлиной", "Тарғунча" каби жозибадор қўшиқлар, тўй-маросимларда ижро қилинадиган "Ёр-ёр", "Тўйлар муборак" каби бир-биридан гўзал ва таъсирчан ашулалар устоз-шогирдлик анъанасида бугун ҳам давом этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Хоразм халфачилик санъатини муносиб давом эттириб келаётган хивалик Роҳатой Хўжаниёзова ҳам Ожиза мактабининг давомчиларидан ҳисобланади. Роҳатой Ожизанинг шогирдларидан, Назира Собирова, Уллибиби Бойжонова, Шукуржон Ғаффорова, Анбаржон халфалардан халфачилик сирларини ўрганиб, моҳир ижрочи сифатида элга танилган. Таниқли хонанда Уллибиби Бойжоновадан мумтоз ашулаларни ҳам ўрганиб, ўз репертуарини кенгайтирди. Ўз навбатида Ўзбекистон халқ бахшиси Норбек Абдуллаев раҳбарлигида "Достон" фолклор-этнографик ансамблида достон қўшиқчилигини зўр қизиқиш билан ўрганди. Ансамбл қатнашчилари билан бирга нуфузли кўрик-танловларда иштирок этди.

Шубҳасиз халфачиликнинг ижодкор ёшлар томонидан давом эттирилиши қувонарли. Лекин айрим "ҳавасманд"лар битта-иккита халфа куйларига ўта саёз матнлар қўшиб, шовқинли электрон чолғу созларини жўр қилиб, асрлар оша етиб келаётган меросга нописандлик қилишмоқда. Мусиқашунос, фолклоршунос мутахассислар бу ҳолга жиддий муносабатда бўлишлари зарур деб ўйлайман. Улар таҳлилий фикр-мулоҳазалари билан ёш ижрочиларга тўғри йўл кўрсатишлари керак. Зеро, миллий қадриятларимизни келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш муқаддас бурчимиздир.

Д.ЮСУПОВ,
фолклоршунос



СОҒИНДИМ, БОЛАМ...

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

Доимий ҳамроҳ

Эл назарига тушган, юрт ободлиги учун умр бўйи фидойиларча меҳнат қилган инсонлар номи ҳеч қачон замондошлар хотирасидан ўчмайди. Уларни эслаб туриш, ҳаётларини кенг ёритган асарлар ёзиб, ёш авлодга ибрат тариқасида тавсия этиш бағоят савоб ишдир. Шу маънода таниқли журналист Юсуф Бердиевнинг "Фан" нашриётида чоп этилган "Ажаб саодат ёхуд Соиб Усмоновнинг ибратли ҳаёти қиссаси" номли китоби эътиборга молик.

Китобга ёзган "Ҳикматли умр" сарлавҳали сўзбошида Қашқадарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайниев қуйидагиларни таъкидлайди: "Соиб ака катта инсоний ва раҳбарлик салоҳиятига эга эди. У киши, бир тарафдан, теран мулоҳазали, босиқ, муросагўй, ўз қарашларини фаол ҳимоя қиладиган, журъатли, қароридан қайтмайдиган, бир сўзли эди... Соиб ака ҳам масъулиятли вазифада, ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кетма-кет сайланган депутати сифатида ғоят ибратли фаолият кўрсатиб, Қашқадарёнинг Истиқлол йилларидаги юксалишу ютуқларига улкан ҳисса қўшди".

Соиб Усмоновнинг умр йўли батафсил ҳикоя қилинган олти бобдан иборат мазкур қиссада муаллиф қаҳрамонининг болалик, ўсмирлик даврлари, умрининг сўнгги дамларигача эл-юрт корига яраб, фаол ҳаракатда бўлганини ҳаётий воқеалар орқали ҳикоя қилган.

Албатта, мустақиллик ва унинг самараларини ёрқин мисолларда тасвирлаш, ўзбек халқининг фидокорона ва бунёдкорлик ишларини тараннум этиш — миллий-бадиий публицистикамизнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади. "Ажаб саодат" асари муаллифнинг ижодий изланишлари самараси эканини таъкидлаш жоиз.

Нашр масъул муҳаррири: Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. Тақризчи: фалсафа фанлари номзоди Абдураҳим Эркаев.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устивор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикада босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида "Жамият ва Мен" танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **энг яхши таҳлилий мақола;**
- **энг ўткир танқидий мақола;**
- **энг яхши журналист текшируви;**
- **интернетдаги энг яхши мақола;**
- **энг муфассал шарҳ;**
- **энг яхши фоторепортаж;**
- **йил дебюти (талаба-журналистлар учун).**

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий. ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, икки нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган "Жамият ва Мен" танловига" рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар таниқли журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, жамғармалар, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларини мукофотлаш

Танлов ғолиблари ҳар бир номинация бўйича Фонд томонидан таъсис этилган дипломлар ва қимматбаҳо совринлар (рақамли фотоаппарат ва диктофон) билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва Мен" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 1 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.

Телефон, факс: 144-12-51, www.mmf. uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

Ташкилий қўмита

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Иқбол ҚУШШАЕВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 2936. Буюртма Г — 1149. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН